БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 164 (18.641). • Сешанба, 1983 йил 19 июль • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида республикада иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1983 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотни тингланди. Ўзбекистон ССР саноати январь-июнь планини 102 процент бажариб, маҳсулот ишлаб чиқаришни 4,8 процент кўпайтирганлиги қайд этилди. Топшириқдан ташқари 201 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 133,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга бир қанча корхоналар планни бажармадилар. Бюро область партия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига маҳсулотни реализация қилиш, етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планнинг бажарилмай қолишини эътибор билан таҳлил этиб, қолоқликни бартараф этиш учун амалий чоралар кўришни топширди.

Бюро 1983-1985 йилларда газ саноатини жадал ривожлантириш ва республикани газ билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бюро қишлоқ хўжалигида план топшириқлари ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлигини таъкидлади. Бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш тугалланди. Чорвачилик илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Бюро КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида бадиий адабиёт нашр этишни яхшилаш чораларини кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, республика нашриётлари, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва республикадаги бошқа ижодий союзларнинг бадиий адабиёт ва болалар адабиётини нашр қилиш соҳасидаги фаолиятида бир қанча камчилик ва нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Бадиий саёз, майда мавзуларга доир асарлар ҳануз нашр этилмоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари қаҳрамонона меҳнати, меҳнат коллективлари турмуши етарли даражада акс эттирилмаётир. Таржима қилинган адабиётни нашр этишда, китобларнинг полиграфик ишланишида камчиликлар кўп. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига, республика Ёзувчилар союзига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига бадиий адабиёт нашрини янада яхшилашга ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бу адабиётнинг ролини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун белгиланган маблағларни бошқа ишларга сарфлаш фактларининг олдини олиш тадбирлари муҳокама қилинди ва маъқулланди. Бюро қишлоқ хўжалигига мўлжалланган маблағларнинг озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал этиш билан боғланмаган ишларга сарф қилинишини қоралади, тегишли область ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларга колхозлар ҳамда совхозлар ҳисобига қурилган объектларнинг тўла қимматини уларга қайтариб бериш ва бундан буён шу хилдаги бузилишларга йўл қўймаслик мажбуриятини юклади.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қатнашчиларининг танқидий мулоҳазалари, таклифлари ва илтимосларини умумлаштириб, тегишли партия, совет ва хўжалик органларига бу мулоҳаза, таклиф ва илтимосларни тез орада амалга ошириш учун ҳамма зарур чораларни кўришни топширди.

Бюро Тошкент область партия комитетининг мактабгача тарбия муассасалари шахобчаларини жадал ривожлантириш соҳасидаги ташаббусини кўриб чиқди ва уни ўз вақтида қилинган, қимматли ташаббус деб топди. Ўзбекистон Компартиясининг барча область комитетларига шу беш йилликда ва келгуси беш йилликда аҳолининг болалар боғчалари ва яслиларига эҳтиёжларини тўла таъминлаш учун мактабгача тарбия муассасалари шахобчаларини кенгайтириш имкониятларини қидириб топиш мажбуриятини юклади.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда узумчилик ва майиз етиштиришни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлини муҳокама қилди ва тегишли министрликлар ҳамда идораларга кўрсатиб ўтилган камчиликларга барҳам бериб, бу соҳани жадал интенсивлашга эришишни топширди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА САМАРАДОРЛИГИ

Бешйилликнинг учинчи йили вахтасида

Совет ижтимоий тузумимизнинг афзалликларидан бири шундаки, у барчанинг эркин, ижодий меҳнат қилишига кенг имкониятлар яратиб беради. Бу эса омманинг онглилиги, ижодкорлиги, ташаббускорлигини қулф урдирди. Айни пайтда ҳаёт янгидан янги муаммоларни ўртага қўядики, жамиятимизнинг олға қараб ҳаракат қилиши ана шу муаммоларни пухта-пишиқ ҳал қилиб билишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бугунги кунда совет кишилари олдида турган асосий вазифалардан бири халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш, оз меҳнат сарфлаб кўп сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан коммунизм моддий-техника базасини тезроқ яратиш ва меҳнаткашлар фаровонлигини янада яхшилашдан иборат.

Аммо ҳар қандай мақсад ва режа амалий иш билан мустаҳкамланмагандагина, оммани, халқнинг жонажон ишига айлангандагина, уни амалга ошириш учун умумхалқ кураши авж олгандагина уни муваффақиятли бажариш мумкин. Бунда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, прогрессив технологияни, илғорларнинг бой тажрибаси ва ватанпарварлик ташаббусларини кенг йўлга қўйиш катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам партиямиз бу масалага ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият бермоқда.

«Бинобарин жамики фойдали, ҳаётбахш ташаббусларни ўз вақтида пайқаб, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш партиянинг вазифасидир», — деб уқтирди ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида.

Ҳозир мамлакатимизда, жумладан республикамизда ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтган кўплаб илғор иш усуллари ҳаётбахш кучга айланиб, миллионларнинг ишида ўз ифодасини топмоқда. Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишда ипатоволиклар яратган тажриба республикамиз дала меҳнатчиларининг бебаҳо мулкига айланди.

Ҳар қандай илғор тажриба маълум шароитларга моҳирона мослаштирилиб, такомиллаштирилиб борилгандагина юқори самара беради. Буни Нишон районидаги Ғафур Ғулом номли давлат наслчилик заводи ғаллакорлари яхши билишади. Шу туфайли ипатоволиклар методи асосида йиғим-терим отрядларини тузган миришкорлар қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ерда иш оқилона ташкил этилганлиги, ҳар бир звенонинг иш плани пухта ишлаб чиқилганлиги туфайли етиштирилган мўл ҳосил қисқа муддатларда, нобудгарчиликка йўл қўйилмаган ҳолда йиғиштириб олинди. Ҳар гектар палми ердан олинган ҳосил қариб 20 центнерни ташкил этди.

Бу йил республика чорвадорлари ва озуқа тайёрловчилари олдида ҳам катта ва шарафли вазифалар турибди. Чорвадорлар 367 минг тонна гўшт, 1 миллион 105 минг тонна сут етиштириш, 1 миллиард 230 миллион дона тухум тайёрлашни мўлжалламоқдалар. Бу муҳим вазифаларни тўла адо этиш учун 7,5 миллион тонна дағал хашак, шу жумладан 2600 минг тонна пичан тайёрлаш, 5300 тонна силос бостириш, 240 минг тонна витамин уни ва кўплаб бошқа озуқалар жамғариш лозим.

Ҳозир ҳамма жойда қулай об-ҳаво шароитидан оқилона фойдаланаётган ҳолда бир йилда 1,5—2 йиллик миқдорида озуқа жамғариш ҳаракати кенг авж олиб кетди. Қашқадарё ва Жиззах области чорвадорларининг бу соҳадаги ибратли ташаббусларини республикамизнинг минглаб озуқа жамғарувчилари яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, амалий ишга киришиб кетдилар. Ҳар бир дақиқадан, резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тажрибакорлар ишни зўр уюшқоқлик билан ташкил этишяпти.

Озуқа жамғарувчилар фаолиятига баҳо беришда чорва маҳсулдорлиги асосий мезон қилиб қўйилиши яхши самаралар бермоқда. Энди кўплаб ем-хашак бригадалари илмий асосланган технологияга тўла амал қилиш билан бир қаторда ўзлари ҳам кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, тўйимли ва ширали озуқа жамғаришга эришмоқдалар. Бу усулнинг барча жойда қарор топишига эришиш янада кўпроқ гўшт ва сут тайёрлаш имконини беради.

Республикамиз пахтакорлари зиммасига бу йил камида 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони уйишдек шарафли вазифа юклатилган. Мўл ҳосилга пухта замин яратишда ҳар йилгидек прогрессив иш усуллари, моҳир заршуносларнинг йиллар давомида орттирган бой тажрибалари муҳим восита эканлиги барчага аён. Шу туфайли пахтакорлар ғўза парваришини барча резерв ва имкониятларни ишга солган ҳолда намунали ташкил этишга аҳамият беришаётир.

Пахтазорларда бу йил ҳам сув танқислиги юз бермоқда. Лекин омилкор деҳқон табиатдан миннат-эҳсон кутиб ўтирадиганлардан эмас. Улар бундай қийинчиликларга қарши суғоришнинг тежамли ва самарали усулларини қўллламоқдалар. Республикамизда нормадаги сувни тақсимлаб суғоришнинг сирҳондарёча усули, оз сув билан кўпроқ майдонларни суғоришнинг Чуст, Косонсой усули, эгат оралатиб, қондириб суғоришнинг Шаҳрисабз усули бу йилги мураккаб шароитларда яхши самара бераётир. Ана шу усулларни барча ерда кенг жорий этишга эришиш барқарор, мўл ҳосил етиштиришни таъминлаши, шубҳасиз.

Тошкент области мўл ҳосил усталари ўзлари ижод қилган индустриал технологияни такомиллаштириб бориш билан бирга, бошқа жойларда қўлланилаётган янгиликларни ҳам дадил жорий этишга эришмоқдалар. Маълумки, Тошкент технологияси ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида сифатли бажарилишини тақозо қилади. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида бу йилги ўзига хос шароитни ҳисобга олиб, ҳар бир комплекс парвариш давомида бажариладиган ишлар муддатини қисқартиришга ҳаракат қилинмоқда. Натижада ғўза ниҳоллари бир текис, баравж ривожланмоқда.

Она еримизнинг саховати беқиёс. Ҳалол меҳнат қилганларга замин ўз бағридаги бойликларини тобора кўпроқ инъом этаверади. Бунинг учун баҳодир дала меҳнатчиларида барча имкониятлар мавжуд. Давлат қишлоққа унумдор машиналар, самарали ўғитлар етказиб беришни йилдан йилга кўпайтирмоқда. Бу қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини оширишга қулай шарт-шароитлар яратиб берялти. Ижодий активликнинг самараси сифатида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидан кейин республикамизда бригада пудрати асосида ишлаш кенг авж олди. Ҳозир Сурхондарё, Наманган ва бошқа областларнинг кўплаб хўжаликларида меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш усулида ишлаётган коллективлар сони анча кўпайди. Бу усулнинг афзаллигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бермоқда. У кишиларда коллективчилик, ўзаро ишонч, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлиш каби фазилатларни қарор топтирмоқдаки, натижада бригаданинг барча аъзолари бир жону-бир тан бўлиб ишламоқда. Шунга яраша мўл ҳосил, катта даромад олишга эришиляпти.

Республикамизда кам сарф-харажат билан кўпроқ самара олишга интилиш, ишлаб чиқариш технологиясини мунтазам такомиллаштириб бориш, меҳнат унумдорлигини ўстириш билан маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашга хизмат қиладиган янгидан янги ташаббуслар, тажрибалар юзага келмоқда. Уларни чуқур ўрганиб, ўз ишларида кенг қўлланаётган новаторлар тобора кўзлаган марраларини эгаллашга эришмоқдалар.

Аммо бундай илғор тажрибалар ҳамиша, ҳамма ерда кенг оммалаштирилятти деб бўлмайди. Меҳнатдаги илғор методлар, тажрибалар баъзан бир бригада, колхоз ёки совхоз чегарасидан чиқмаётир. Тажрибаларни социалистик мусобақанинг ҳаётбахш кучи орқали кенг пропаганда қилиш, янгиликларни барчанинг мулкига айлантиришга етарли эътибор берилмаётир.

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхознинг Ленин комсомоли мукофоти лауреати Холбуви Рустамова мана бир неча йилдирки, пахтадан 50—60 центнердан ҳосил етиштиришга эришмоқда. Аммо хўжаликнинг бир хил шароитларда ишлаётган бошқа бригадаларида ҳосилдорлик деярли икки баравар паст. Агар хўжалик раҳбарлари, коммунистлари илғор бригаданинг иш усулларини барча ерда қарор топтиришга эришсалар, план ва социалистик мажбуриятлар ошириб адо этилган бўларди.

Очилмаган қўриқ — резервлар ҳамма ерда кўплаб топилади. Уларни қидириб топиш ва ҳаракатга келтириш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари кундалик ишининг мезонини ташкил этсин. Ҳар бир янгилик, ҳар бир тажриба, ҳар бир ташаббуснинг оммалашуви республика миқёсида қанчадан қанча резервларни ҳаракатга келтириши мумкин. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ошириб адо этиш билан бевосита боғланиб кетади. Шу туфайли ҳозирданоқ ишни оқилона ташкил этиш, дала ишларида юксак суръат ва аъло сифатни таъминламоқ даркор. Дон ўриб-йиғиб олиш, озуқа жамғариш, ўсимликларни парвариш қилиш, озиқлантириш, суғоришдаги барча яхши тажрибаларни конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда қўлланишга эришиш керак.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини кўтариш учун кураш ишимизнинг ғоят муҳим бўғинидир. Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати, ҳар бир коллективнинг куч-ғайратлари шунга қаратилмоғи лозим.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили ҳисобланган 1983 йилда ўзбекистонлик дала меҳнатчилари олдида улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун янада кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишимиз, суръатни янада оширишимиз, мавжуд резерв ва ресурслардан оқилона фойдаланишимиз ва она-Ватанни барча жабҳалардаги ютуқларимиз билан қувонтирмоғимиз лозим.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг 8-бўлимида ғўзанинг ривожи яхши. Ғуж-ғуж ҳосил нишоналари ҳосилдорлик бемалол 40 центнердан айланишидан дарак бериб турибди. Бўлимда муҳим агротехник тадбир — чеканка бошлаб юборилди. Суратларда: 1. Бўлим бошқарувчиси Эркин Исоқов мусобақадош бригадалар бошлиқлари Муҳаммади Омонтурдиев ва Карим Бобоназаров билан ғўза ривожини кўздан кечиришяпти. 2. Ғўзани чеканка қилиш.

Ж. Тўраев фотолари.

РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 18 июль куни расмий дўстона визит билан Москвага келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков Внуково аэродромида самолёт пиллапояси олдида Я. Кадарни, делегациянинг бошқа аъзоларини самимий табрикладилар.

ВХР партия ва давлат арбоблари СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин, СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Н. Базовский, бошқа расмий кишилар ҳам кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи бор эди.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, Москвада ўқиётган ва ишлаётган ВХР гражданлари меҳмонларни қарсаклар билан табрикладилар.

Аэродромда ВХР ва СССРнинг давлат байроқлари кўтарилди. СССР Қуролли Кучларининг уч тури — Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳарбий Денгиз Флотининг вакилларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Оркестр икки мамлакат давлат гимнларини ижро этди.

А. А. Громико билан Я. Кадар совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Аэродромда кутиб олиш маросими фахрий қоровулнинг саф тортиб ўтиши билан тугади.

Қардош мамлакатдан келган меҳмонлар Кремль сари йўл оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов Кремлда, Катта Кремль саройи олдидаги майдонда Я. Кадарни, делегациянинг бошқа аъзоларини қардошларча, самимий табриклади.

Кремлдаги кутиб олиш маросимида А. А. Громико, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. И. Долгих, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

ВХР ва СССР давлат байроқлари кўтарилди.

Кремлда расмий учрашув вақтида Ю. В. Андропов ва Я. Кадар ўртоқлар қисқача суҳбатлашиб олдилар.

Мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи ўтиб борган кўча ва майдонларга ВХР ва СССР давлат байроқлари тикилган, табрик сўзлари ёзилган транспарантлар илиб қўйилган эди. Москваликлар бутун йўл давомида делегацияни самимий кутиб олдилар.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Никарагуа Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигига, республика миллий тикланиш ҳукуматининг раҳбарлик кенгашига, Никарагуа республикаси Давлат Кенгашига телеграмма йўллаб, унда Никарагуада халқ революцияси ғалабасининг тўрт йиллиги муносабати билан дўст Никарагуа халқига самимий қутловлар ва эзгу истакларни топширдилар.

Никарагуа халқи Сандиночилар Миллий озодлик фронти раҳбарлигида меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда, демократик жамият қурилишида муҳим муваффақиятларга эришди. Янги Никарагуа кескинликни юмшатиш, тинчлик, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун курашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Сизларнинг мамлакатингиз ҳалқаро миқёсда тобора кўпроқ обрў-эътибор қозонмоқда. АҚШ империализми ҳавф солаётган ва қўпол тазйиқ қилаётган, ёлланган шайкаларнинг қуролли бостириб киришларини уюштираётган бир пайтда Никарагуа халқи ўзининг революцион ғалабаларини, мустақил ривожланишга бўлган ўзининг қонуний ҳуқуқини мардонавор ҳимоя қилмоқда. Никарагуа агрессив тажовузларга қатъий зарба бермоқда. Марказий Америкада империалистик кучлар қасддан авж олдираётган кескин вазиятни адолатли равишда сиёсий йўл билан бартараф этиш учун курашмоқда. Халқаро муносабатларда давлатларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурматлаш принципини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча кишилар, ҳамма қитъалардаги илғор кучлар Никарагуа томонидадирлар.

Совет кишилари СССР билан Никарагуа ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожланиб бораётганлигидан мамнундирлар.

Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда, сандиночилар революциясининг вазифаларини амалга оширишда сизларга ва бутун Никарагуа халқига янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз, дейилади телеграммада.

(ТАСС).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1983 йил биринчи ярми социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

✦ **Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бош бошқармаси ёрдамчи хўжалиги коллективи.** Бу коллектив топшириқда белгиланган 600 тонна ўрнига 727 тонна гўшт етиштириб, аҳолига сотган, ўз хўжалигида чўчқаларни урчитиш йўли билан 22 минг бошга етказди, чўчқа боласини олиш планини 120 процент, озуқа чиқиндиларини тўплаш ва улардан фойдаланиш планини 148 процент бажарди. Байроқ Андижон умумий овқатланиш трестидан олиб берилади;

✦ **Қўқон ёғ-мой комбинати ёрдамчи хўжалиги коллективи.** Бу коллектив 17 тонна гўшт, 46 тонна сут, 11 минг дона лимон етиштириб, ишчиларга сотган, қорамол туёғини кўпайтириш планини 110 процент, қўйларни кўпайтириш планини 121 процент бажарган, ҳар бир сигирдан 1533 килограмм сут соғиб олган, тирик вазни 550 килограмм келадиган қорамолларни гўштга топширган. Байроқ «Самаркандгеология» бирлашмаси, Қашқадарё геология-разведка экспедициясидан олиб берилади.

БРОНЗАДАН ИШЛАНГАН БЮСТНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

ГОМЕЛДА 17 июль куни икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико юртида қаҳрамоннинг бронзадан ишланган бюсти тантанали вазиятда очилди. Бюст СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан ўрнатилди.

Шу воқеага бағишланган митингда партия ва совет ходимлари, шаҳар жамоатчилигининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков тантаналарда иштирок этди. (ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

18 июль куни Москвада «Хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволи ва уларнинг тинчлик учун курашдаги роли» мавзуида Совет-Ҳиндистон икки томонлама семинари очилди. Семинар ишида Ҳиндистон етакчи хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Совет хотин-қизлар комитетининг раиси В. Терешкова семинарни оча туриб, бу учрашув икки мамлакат хотин-қизлар жамоатчилиги ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Семинар иштирокчилари Москва билан танишганларидан кейин Ўзбекистон ССРга борадилар.

(ТАСС).

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

✦ **ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сирдарё пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Фарғона пахтакорлари ҳузурида бўлиб, бу йилги ишлар билан яқиндан танишдилар.**

Қува районидаги «Правда» колхозида бўлган сирдарёлик пахтакорлар ўз ҳамкасблари меҳнатига юқори баҳо бердилар. Пахтачилик бригадаларининг дала шийпонларида КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини пропаганда қилиш намунали ташкил этилганлигини алоҳида қайд қилдилар. Тошлоқ, Фарғона, Охунбобоев ва бошқа районларда эса, суғориш ишлари, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш етарли равишда олиб борилмаяпти. Бу камчиликларни тез кунда тугатиш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берилди.

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС). Ютландия марказида, Данияннинг Силькеборг шаҳрида қуролланиш пойгасига қарши, термоядро ҳалокатининг олдини олиш учун, ялпи қуролсизланиш ва тинчлик учун кураш шиорлари остида «83- Тинчлик учрашуви» ўтмоқда. Учрашувда Дания, Норвегия, Финляндия ва Швеция тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг активлари қатнашмоқдалар.

Учрашув ташкилотчилари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповга, АҚШ Президенти Р. Рейганга ва Шимолий Европа мамлакатларининг раҳбарларига мактуб йўлладилар. Мактубда кескинликни юмшатиш ва тинчликни таъминлашга қандай кўмаклашиш ниятидасизлар деган савол берилган эди.

Учрашув қатнашчилари номига Ю. В. Андроповдан жавоб келди. Бу жавобда, жумладан, бундай дейилади: АҚШ ва НАТО Европада Американинг янги ядровий ракеталарини жойлаштириш ниятида эканликлари сабабли сизларнинг ташвишланаётганлигингизга батамом қўшиламан. Уларнинг бу ниятлари бизнинг қитъамизда ҳам, умуман ер куррасида ҳам тинчликка таҳдидни яна ҳам кўпроқ кучайтиради холос.

Учрашувингиз шундай шиорлар остида ўтмоқдаки, Совет Иттифоқи ана шу шиорлар билан бирдамдир. Бу шиорлар миллион-миллион кишиларнинг орзу-умидларини ифода этади. Ядро урушининг олдини олиш йўлидаги курашга ўз ҳиссангизни қўшиш учун интилаётганлигингизни қизғин табриклайман.

Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг яшашга ва тинч бунёдкорлик меҳнатига бўлган муқаддас ҳуқуқини муҳофаза қилиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Бизнинг бутун ташқи сиёсатимиз бугунги кунда ғоят муҳим бўлган мана шу мақсадга эришишга бўйсундирилган. Биз — ядровий қуролярогларга соҳасидаги мусобақага, умуман ҳар қандай ҳарбий рақобатчиликка қаршимиз.

Пировардида жавобда таъкидланганидек, қитъамизнинг шимолини ядросиз зонага айлантириш Европани ядро қуролидан холи қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб қолиши мумкин ва Совет Иттифоқи бу ғояни қўллаб-қувватламоқда.

Совет раҳбарининг «83-Тинчлик учрашуви» қатнашчиларига мурожаатномасини шимол мамлакатларининг намояндалари баланд руҳ билан кутиб олдилар, деди анжуман ташкилотчиларидан бири даниялик Х. Бентсен. Биз, деди у, Европада Американинг янги ядровий ракеталарини жойлаштириш бизнинг қитъамизда ҳам, умуман ер куррасида ҳам, умуман бутун ер шарида тинчликка таҳдидни янада кўпроқ кучайтиради, деб совет раҳбари билдирган фикрга қўшиламиз. Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва хавфсизлигига интилаётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Тинчликни истаётган кишилар Совет Иттифоқи Европа шимолини ядросиз зонага айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлаганлигини табриклямоқдалар. Бу қадам Европани ядро қуролидан ҳоли қилиш йўлидаги муҳим босқич бўлиб қолур эди. Х. Бентсен президент Р. Рейганга йўллаган мактубига шу пайтгача жавоб олмаганлигини таъкидлаб бундай деди: Ижобий позицияни эгаллаб турган Совет Иттифоқидан фарқли ўлароқ Вашингтон маъмурияти тинчлик ва хавфсизлик проблемаларини муҳокама қилишдан доимо ўзини четга олиб қочмоқда.

«Ўртача олисликка учириладиган Американинг янги ядровий ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилишига йўл қўймаймиз!» шиори Силькеборгдаги учрашувнинг асосий шиоридир. Анжуман программаси жуда хилма-хил ва бой. Программада семинарлар, сиёсий суҳбатлар, тематик кечаларни, профессионал ва ҳаваскор коллективларнинг, урушга қарши мавзудаги қўшиқлар ижрочиларининг концертларини ўтказиш кўзда тутилади. Шимол мамлакатларининг урушга қарши ташкилотлари «83-Тинчлик учрашуви» ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ОНГЛИ, КОММУНИСТИК ИНТИЗОМ ТАРБИЯСИ

АСОСИЙ МЕЗОН

3. ЮЛДУЗЛАР ЁРҚИН ЧАҚНАЙДИ

АВВАЛО, бир-икки рақам келтирмоқчимиз: сўнгги беш йилда Чилонзор районидаги корхоналарда меҳнат унумдорлиги 44,5 процент ўсди. Маҳсулот ҳажмининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Фахрли беш қиррали юлдуз белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми кўпайиб бормоқда.

Район партия комитетининг бюро мажлисида 2-пойабзал фабрикасининг ишчиси Зуҳра Абдуллаеванинг ҳисоботи тингланмоқда эди. Коммунист Зуҳра Абдуллаева — тажрибали пойабзалчи. Бир корхонада муқим ишлаб, меҳнатсеварлиги ва ташаббускорлиги билан кишилар ҳурматини қозонган. У вақтни ғоят қадрлайди, иш вақтида у-бу нарсаларга ўралашиб юрмайди. Ҳар бир жараённи чаққон ва пухта бажаради.

— Иш жойимни ўзимнинг ғоят масъулиятли постим деб биламан, — деди З. Абдуллаева бюро аъзоларига бир-бир қараб олгач. — Дастгоҳ ёнида турганимда, таъбир жоиз бўлса, бутун мамлакат мени кузатиб тургандек бўлаверади. Шунинг учун яхшироқ ишлашга, бутун имкониятимни ишга солишга ҳаракат қиламан. Иложини топсаму, вақт бекор ўтмаса! Негаки, лаҳзалар бекор ўтаверса, соатлар нафсиз кетади...

Ташаббускор ишчининг қалб сўзлари булар. Унинг сўзи ҳамиша ишига мутаносиб. Ҳозир у ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Унинг қўлидан чиққан пойабзал ҳамиша бежирим, пишиқ, пухта.

Коммунистнинг яна бир фазилати диққатни тортади. У фақат вақтдан ўзиб ишлаётгани йўқ. З. Абдуллаева ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол. У зарбдорларча меҳнатни цех партия ташкилотининг секретари, халқ депутатлари район Совети саноат ва қурилиш доимий комиссиясининг аъзоси сифатида кенг кўламли жамоат ишлари билан уйғунлаштирмоқда.

Шу нарса қувончлики, фабрикада Зуҳра Абдуллаеванинг сафдошлари кўпайиб бормоқда. Ҳозирдаёқ 50 дан ортиқ пойабзалчи ўн биринчи беш йилликни якунлаш арафасида. Н. Иброҳимов, У. Қудратов, Т. Имомова, Т. Холмуҳамедов, П. Мусаев сингари пойабзалчилар алоҳида ибрат кўрсатишаётир.

Умуман, 2-пойабзал фабрикаси коммунистлари янгиликка ўч, изланувчан кишилар. Бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари изчил жорий этилмоқда, иқтисод ва тежамкорлик режимига ҳам алоҳида талабчанлик билан риоя қилинади. Пудрат усулига ҳам биринчилар қаторида ўтилди. Натижада меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, иш вақтининг бекор ўтиш фактлари барҳам топди. Ишчиларда технологик интизомга оғишмай риоя қилиш масъулияти кучайди. Бу эса маҳсулот сифатини яхшилашга, сифатни назорат қилишнинг комплекс системасини кенг жорий этишга йўл очди. Энг муҳими, ҳар кимнинг меҳнати одамларнинг кўз ўнгида бўлиб қолди. Айтмоқчимизки, ёнма-ён меҳнат қилаётган кишилар бир-бирларининг нуқсонларини бартараф этиш учун чинакамига жон куйдирадиган, бошқаларнинг бирон ибратли ишларини тезда эгаллаб оладиган бўлиб қолишмоқда. Чунки иш бир, ҳисоб бир, самара бир. Бригада пудратига ўтилгач, пойабзал тикиш вақти ўртача 17 процент камайди. Ҳар бир ишчининг меҳнат унуми 57 процент ошди. Табиийки, бунинг ҳар бир ишчи хонадони бюджетига таъсири катта бўлди — иш ҳақи деярли 60 сўм кўпайди. Лекин ҳал этилиши зарур муаммолар ҳали оз эмас.

МЕҲНАТНИ бригада пудрати усулида ташкил этиш ишлаб чиқариш топширғини оқилона бажаришнинг самарали формасига айланди. Бу усул ҳар бир иш жойида резервларни тўла ишга солиш, меҳнатга онгли, коммунистик муносабатни тарбиялаш, коллективларда уюшқоқликни кучайтириш ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Эндиликда районда меҳнатни ташкил этишнинг янгича усулига ўтган 200 дан ортиқ коллектив қурилиш-монтаж ишларининг деярли 70 процентини бажармоқда. Ёлғиз 153-қурилиш трестида 36 бригада шу усулга ўтган. Улар жами иш ҳажмининг тўртдан уч қисмини уддалашмоқда.

Янгиликка ўчлик, тинмай изланиш бинокор Холхўжа Баҳодировни элга танитди. Маълумки, у Тошкентни қайта қуриш жараёнида довруғ қозонди. Кекса қурувчи ҳамон ҳавозаларда жавлон урмоқда. У коллективнинг оддий раҳбари эмас, балки бригадага янги келган ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устозига айланди. Коллектив аъзолари аҳил, иноқ. Ҳар бир иш бу ерда бамаслаҳат, тадбиркорлик билан ҳал этилади. Меҳнатни ташкил этишнинг бу бригадада тўпланган тажрибаси умумлаштирилмоқда, ёйилмоқда. Холхўжа Баҳодиров тажрибасини эгаллаб олган кўпгина коллективлар вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқда. Ўтган йили якунларига кўра 153-трест республика социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди.

Трест партия-хўжалик активи йиғилиши «Барвақт қурамиз, барвақт ўзлаштирамиз», «Кам сонли одам билан кўп ва сифатли иш бажарамиз», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиорлари остида давом этаётган социалистик мусобақа иштирокчиларини резервларни тобора тўла ишга солишга даъват этди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров сўзга чиқиб:

— Шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб, биз ўн биринчи беш йиллик топшириғини шу байрам кунигача бажарамиз, — деди.

Район партия комитети бу ташаббусни қизғин маъқуллади. Кўпгина меҳнат коллективлари бу ҳаракатга қўшилди. Трестда эса Ю. Ир Сен бошлиқ бригада беш йиллик маррани уч йилда эгаллаш учун курашмоқда. Йўлчибой Абдусаматов, Эля Бинникова сингари новатор бинокорлар графикни икки баравар тез бажариб, ҳозир 1986 йил ҳисобига меҳнат қилишаётир.

Қизил байроқли «Ташметрострой» трести коллективи ҳам мураккаб инженерлик ишларини вақтдан ўзиб амалга оширмоқда. Метросозлар йиғма конструкцияларни қўлланиш орқали суръатни кучайтирмоқдалар. Ойбек номли станция қурилишида бундай конструкцияларни қўлланиш деярли 70 процентга етганди. Бор-йўғи етти йиғма конструкция монтаж қилиниб, станция пардозловчиларга анча барвақт топширилди. Улар ҳам яхлит-секцияли пардоз бериш методига ўтишди. «Тошкент» станциясида ҳам пардозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Метросозлар иккинчи линиянинг биринчи навбатини республикамизнинг 60 йиллик тўйига тортиқ қилиш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Яна бир ажойиб ташаббус. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси коммунист М. Шангараев 3-таксопаркда шофёр. У ўз бригадаси билан беш йиллик планни уч йилу уч ойда бажариш мажбуриятини қабул қилган эди. Кейинроқ шофёрлар меҳнат унумини оширишнинг яна бир қатор резервларини излаб топишди. Уларни ишга солиш ҳисобига мажбуриятдаги маррани яна ҳам барвақтроқ эгаллаш мумкин деган қарорга келишди.

— Биз мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик, — деди М. Шангараев партия йиғилишида сўзга чиқиб. — Беш йиллик планни Тошкентнинг шонли юбилейи нишонланадиган кунгача бажарамиз. Техника-иқтисодий кўрсаткичларини яна ҳам яхшилаймиз. Маршрутни оқилона танлаш ҳисобига ҳар сменада 1,5 литрдан бензин тежаймиз. Қўшимча 400 минг сўм даромад жамғарамиз.

Бугун дастлабки натижаларни чиқариш мумкин. Бригадада меҳнат унумдорлиги 30,8 процент ошди. Коллектив ўз мажбуриятини бажарганлиги ҳақида рапорт берадиган кунлар саноқли. Икки йилда 25,7 тонна бензин, минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, уч комплект шина тежаб қолинди. Пассажир билан юриш коэффициенти 0,9 га етди. Тадбиркор бригадир эса шахсий беш йиллик планини бугун эрта бажаради. С. Ҳамидов, Р. Холфутдинов, Н. Иноғомов, В. Малеев сингари шофёрлар ҳам тежамли, самарали меҳнат қилмоқдалар.

«Главташкентстрой»нинг автотранспорт корхоналарида ҳам бу ҳаракат кенг қулоч ёйди. Ҳар бир бригада ўзининг конкрет марраларини белгилаб олди. Ю. Исҳоқов, А. Богатирёв, Е. Терехов сингари шофёрлар иш режимини янада тиғизлаштириш орқали нормани узлуксиз икки баравар ошириб бажаришга эришмоқдалар. Ҳозир уларнинг меҳнат календарида 1986 йилнинг февраги бошланди. Т. Тўхлиев, А. Беликов, М. Иванов сингари шофёрлар ҳам худди шу усулда, графикдан анча илгарилаб меҳнат қилишмоқда.

ТАБИИЙКИ, ремонт базасини мустаҳкамламай, автомашиналарга техника хизмати кўрсатишни яхшиламай туриб, бундай кўрсаткичларга эришиб бўлмайди. Бинобарин, партия ташкилотлари, хўжалик ходимлари транспортнинг «орқа» маррасидаги ишлар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беришмоқда. Ҳозир ҳар бир автокорхонада бу иш яхши йўлга қўйилган, юзлаб малакали ремонтчилар етишиб чиқди. Район партия комитетида улардан фақат бирининг номини тилга олишди. Қатрада қуёш акс этади. Бу кишининг меҳнатга муносабати, бурчга садоқати кўплаб касбдошларига хос. 1-автокорхона мисгари Баҳром Султонхўжаев кўпдан буён ремонт-механика устахонасида меҳнат қилади. Смена топшириғини муттасил 110—115 процент бажаради. Камтар, ишбилармон бу киши ўнлаб шогирдларга касб ўргатди, ишга коммунистик муносабатни сингдирди, уларда қўнимли, қунт билан меҳнат қилиш кўникмасини ҳосил қилди. Устоз ремонтчи техника бенуқсон, бетўхтов ишлаши ремонт сифатини яхшилашга боғлиқ деб тушунади, бу ишга вақтини ҳам, малакаси-ю, куч-ғайратини ҳам аямай сарфлайди.

Бир пайтлар кичик-кичик қишлоқлар ўрнида қурила бошланган Чилонзор одамларнинг ана шу ғайрати, она-Ватанга чексиз садоқати туфайли республика пойтахтининг гавжум, иқтисодий потенциали тўхтовсиз ўсиб бораётган районига айланмоқда. Дастлабки йиллари озиқ-овқат ва қисман енгил саноат ривож топди. Кейинчалик машинасозлик, метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати жадал ривожланиб борди. Уй-жой қурилиши, аҳолига савдо, медицина хизмати кўрсатишнинг мақбул схемалари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Районда машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш шу беш йилликда 2,3 марта ўсади. 1985 йилга бориб район саноати 112 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Меҳнат унумдорлиги 26 процент ўсади.

Меҳнат коллективларида резервларни синчковлик билан излаш иштиёқи кучли. Ўзаро талабчанлик билан уйғунлашган бу иштиёқ одамларни белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун сабитқадамлик билан курашга йўналтирмоқда. Оммани ўз орқасидан эргаштира бориб, бутун сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий, иқтисодий ва социал вазифаларини, партия Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришга қаратган район партия ташкилоти бундай серғайрат, жонкуяр кишиларнинг ишга ижодий муносабатини, ташаббускорлигини янада кучайтириш чораларини кўрмоқда.

Ишга онгли, коммунистик муносабатни тарбиялаш бутун партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг асосий мезони, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун умумхалқ мусобақасини кучайтиришнинг зарур шартидир. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида энг асосий ишлаб чиқарувчи куч — инсонни камолга етказиш, унинг меҳнат фаолиятини активлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Чилонзор район партия комитети Пленум кўрсатмаларига амал қилиб, меҳнаткашларни, аҳолининг кенг қатламини юксак онгли, коммунистик интизом руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтирмоқда, бунинг учун бутун сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар арсеналидан тобора ўринли фойдаланмоқда.

Б. ЮСУПОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

НОН АЗИЗ

Нон фақат ризқ-рўзимиз бўлибгина қолмай, ҳаётимизнинг асосий манбаи ҳам ҳисобланади. Нон ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Мен бунинг исботи учун ҳаётимда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Эсимда, урушдан кейинги йиллар эди. Оиламиз чорвадор бўлиб, шундан келган озми-кўпми даромад ҳисобига кун кўрар эди. Нон камчил, ҳар қалай гўшт сероб эди. Бунинг боиси ҳам чорвадор эканимиздан бўлса керак. Бир куни очликка чидай олмай «қорним оч!» — деб йиғлаганимда менга бир парча қайнатилган гўшт тутқазишди. Ушанда, «бир тишлам нон ёйман, гўшт кўнглимга тегди», деб хархаша қилганим ҳали-ҳали эсимда.

Ҳа, нонинг ўрнини ҳар қандай лаззатли таом ҳам боса олмас экан. Ана шунинг учун ҳам азиз ҳисобланган нон кундалик эҳтиёжимиз манбаи ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимиз халққа ғамхўрлик қилиб, уни арзон нархларда аҳолига етказиб бермоқда. Афсуски, айрим кишилар нон сероб, ҳам арзон экан деб уни суистеъмол қиляптилар. Тўй-маъракаларда ортиқча исроф бўлишидан ташқари новвос ва қўй боқиб семиртириш мақсадида ҳам фойдаланилаётгани сир эмас.

Нонни исроф қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Нон инсонинг эҳтиёжи учун чиқарилади. Буни унутмаслик керак.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
Наманган область, Чортоқ районидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Насриддин ака оиласини Луғумбек қишлоғининг каттакичиги яхши билишади. Аҳил, меҳнаткаш. Оила бошлиғи Насриддин ака Матҳолиқов 1912 йилда шу қишлоқда туғилиб воя етди.

Инқилоб бўрони Луғумбекка ҳам оташ нафас билан кириб келди. Насриддинлар ҳам ерли бўлишди. Турмуш кечириш аста-секин яхшилана борди. Қишлоқда «Намуна» колхози тузилди. Насриддин биринчилардан колхозга аъзо бўлиб кирди. Уни ўша пайтдаги район маркази Чувама қишлоғига тракторчилар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Курсни битириб Чувама МТСида ишлай бошлади. Салкам 30 йил тракторчилик қилди.

Насриддин Матҳолиқовнинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар билан мукофотланди.

Насриддин ака катта оиланинг бошлиғи. Турмуш ўртоғи Боғдагул опанинг кўксини «Қаҳрамон она» ордени безаб турибди. Бу аҳил оилада ўн бир фарзанд, замонамизга мос, ажойиб инсонлар бўлиб тарбияланди.

Избоскан районидаги Луғумбек қишлоғида бундай бахтиёр оилалар жуда кўп.

Т. ШАРОПОВ,
Андижон области.

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

«Қишлоққа ҳар қачонгидан кўп ва сифатли машина-механизмлар етказиб берамиз!» — республикамиз машинасозлик саноати корхоналари коллективларининг меҳнат шиори шундай. «Ўзбексельмаш» заводи меҳнат аҳли бу йил «УПХ-1,5 В» пахта тозалаш машиналари, сеялкалар, «СЧХ-31» аниқ экиш аппаратлари, культиваторлар сингари техника воситаларини одатдагидан кўп ишлаб чиқаришга бел боғлашган.

Заводдаги мавжуд 70 бригаданинг ҳаммаси бугунги кунда ўз-ўзини социалистик бошқариш методи — бригада пудрати асосида ишлаяпти. 1400 дан ортиқ ишчи-хизматчи уюшган бу корхона коллективи ўртасидаги социалистик мусобақада пластмасса буюмлари цехининг М. Попова, механика йиғув цехининг А. Абдушоҳидов, пресслаш цехининг Н. Набиева, И. Сулаймонов бошлиқ бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар. Коллективлар йилнинг ўтган олти ойлик план-топшириқларини ошириб адо этиш билан бирга корхонага шаҳар ҳунар-техника билим юртларидан келган кўплаб ёшларга мураббийлик ҳам қилишяпти.

Бундан икки йил муқаддам корхонанинг пластмасса буюмлари цехида «Ташхимсельмаш» заводи буюртмаси билан сеялка баклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунда бу маҳсулотга талаб ошиб кетди. Шуни ҳисобга олиб, завод аҳли келгуси йили яна бир янги цех очишни кўзда тутди. Яқиндагина иш бошлаган каноп йиғиш машиналари тайёрлаш участкаси эришаётган дастлабки натижалар эса чакки эмас.

— «Ўроқ ва Болға» Иттифоқига садоқатли корхонамиз коллективи, — дейди завод партия ташкилотининг секретари Ф. Муҳаммадхонова, — ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини барвақт бажаришга ва улкан «оқ олтин» хирмонини кўзлаган республикамиз пахтакорларига кўплаб юксак унумли машина-механизмлар етказиб беришга аҳд қилишган.

Д. БЕКЖОНОВА,
ТошДУ студенти.

ИЛҒОР ИШЧИ РАПОРТИ

✦ «Беш йиллик тайёр!» Октябрь революциясининг 10 йиллиги номли Бухоро пиллакашлик фабрикаси илғор ишчиси, коммунист Муяссар Давронова рапорт берди. У республикамизнинг 15 донгдор ишчиси ташаббусига қўшилиб ишлаб, беш йиллик топшириғини барвақт адо этди. Бугунга қадар моҳир пиллакаш хизмат қилаётган дастгоҳлардан 1415 килограмм маҳсулот чиқарилди. Суратда: Ўн биринчи беш йиллик зарбдори М. Давронова.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

ҚУВОНЧ САТРЛАРИ

САКСОН МИНГ ТОННА КЎП

● ЖИЗЗАХ. Зарбдор йилимизнинг биринчи ярмини областдаги 28-автотранспорт корхонаси коллективи муваффақиятли якунлади. Ўтган олти ой давомида 670 минг тонна халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга барвақт этиб берилди. Бу — пландагидан 80 минг тонна кўп демакдир. Эришилган ютуқда Николай Венерцев, Олжабой Батанаев сингари мусобақа пешқадамларининг ҳиссаси катта. Улар шахсий план-топшириқларини муттасил 130-145 процент адо этмоқдалар.

Н. АБДУРАИМОВА,
ТошДУ студенти.

ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ — ХАЛҚҚА

● Хўжайли шаҳридаги халқ истеъмоли моллари фабрикаси ишлаб чиқараётган буюмлар ўзининг пишиқ-пухталиги билан элга манзур. Корхона коллективи шу йилнинг ярим йиллик план-топшириқларини ошириб адо этди. Чунончи, фабрика гиламдўзлари 4300 метр гилам, қандолатчилар 175 тонна турли хил ширинлик маҳсулотлари тайёрлашди. Пахта титиш цехи ишчи-хизматчилари мўлжалдагидан 250 тонна кўп иш бажардилар. Шунингдек, ғиштсозлар 500 минг дона пишиқ ғишт етказиб беришди.

Корхонада бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини уддалашга бел боғлаган илғор ишчилар сони тобора ошиб бормоқда. С. Бойжуманов, И. Кистаубоев, Р. Урозов, П. Исмоилова, К. Калиева, Б. Абдурахмова сингари ўнлаб пешқадамларнинг ҳар бири ҳозир 1984-1986 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Э. ЕРГАЛИЕВ,
ҚҚАССР.

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КПСС—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АВАНГАРДИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари большевистик партия барпо этилган РСДРП II съездининг 80 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг шу шонли санага бағишланган қарорида айтилганидек, **«Партиянинг барпо этилиши геннал мутафаккир К. Маркс билан Ф. Энгельс буюк ишининг издоши ва давомчиси бўлмиш В. И. Ленининг жуда катта назарий ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир».**

Съезд Россиядаги революцион марксистик ташкилотларни В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплар асосида бирлаштириш жараёнини ниҳоясига етказди. Бу принциплар эса совет халқининг авангарди бўлмиш партиямиз характерини белгилаб берди, уни ривожлантириш ва амалий фаолиятининг мустаҳкам асоси бўлиб қолди.

Полиция-самодержавия давлати шароитида пролетариат партияси фақат яширин шароитдагина барпо этилиши мумкин эди. Владимир Ильич қайд қилганидек, подполье шароитида ишчилар ташкилотини барча ошкора кураш воситаларини революцион газета билан алмаштириш йўли билангина тузиш мумкин эди. Бу вазифани Ленининг «Искра»си тайёрлаган Иккинчи съезд адо этди. **«Большевизм,** — деб қайд қилган эди В. И. Ленин, — **сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд».**

КПСС ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракати шуни кўрсатадики, ҳар қандай марксча-ленинча партия Программа ва Уставдек раҳбарлик қўлланмасиз яшай олмайди, ривожлана олмайди, бинобарин ғалаба ҳам қила олмайди.

РСДРП Иккинчи съездининг тарихий хизмати ҳам шундаки, унда К. Маркс ва Ф. Энгельс вафотидан кейин революцион программа қабул қилинди. Бу программада социал революция учун пролетариат диктатураси, яъни эксплуататорларнинг ҳар қандай қаршилигини бостириш имконини берадиган сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш зарур деб кўрсатилди. Ҳозирга қадар ғалаба қилаётган социалистик революцияларнинг бутун тарихи В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган пролетариат диктатурасининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги таълимот катта аҳамиятга эга эканлигини исботламоқда.

В. И. Ленин пролетариат диктатураси учун кураш манфаатларини назарда тутиб, самодержавиени ағдариб ташлаш ишчилар синфининг энг яқин сиёсий вазифаси, деб уқтирди. Бу масалани ҳал қилиш учун пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқини таъминлаш зарур эди. Шунинг учун ҳам социал-демократиянинг аграр программасини ишлаб чиқишга, унинг аграр масаладаги талабларига жуда катта эътибор берилди. Владимир Ильич томонидан ишлаб чиқилган Россия социал-демократларининг деҳқонлар масаласи хусусидаги талаблари РСДРП Иккинчи съезди томонидан қабул қилинган программадан муносиб ўрин олди. Бу программанинг ҳаётий кучи Октябрь Революциясидан кейин мамлакатимиз тараққиётининг бутун босқичларида яққол кўринди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май Пленуми қарори, Озиқ-овқат программаси партиянинг ҳозирги аграр сиёсатининг босқичидир. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, агросаноат комплексини ривожлантириш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш проблемаларини ҳал этиш томон янада чуқурроқ бурилиши амалга оширилмоқда.

Янги типдаги марксистик партия барпо этилаётганда кўпмиллатли Россияда олиб бориладиган революцион фаолиятнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳисобга олинди. Чоризм ва капитализмни тугатиш бу улкан мамлакатдаги барча миллат ва элат пролетарларини интернационализм принциплари асосида жипслаштириш, ишчилар синфининг кўпмиллатли деҳқонлар оммаси билан иттифоқини таъминлаш, ишчилар синфи ва халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини ягона умумий революцион кураш оқимига буриш программаси бўлишини талаб қиларди. Пролетариатнинг вазифаси, деб таълим берди В. И. Ленин, барча миллат ишчилар оммасини мумкин қадар яқинроқ жипслаштиришдан, демократик республика ва социализм учун мумкин қадар кенг жабҳада кураш олиб бориш учун жипслаштиришдан иборатдир.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи талаби мамлакатда миллий озодлик ҳаракатининг юзага келиши ва авж олишига ёрдам берди. Бу ҳаракат Россия пролетариати томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Энг муҳими шуки, бу талаб Россиядаги мазлум халқларнинг улуғ рус меҳнаткашларига ишончини оширди, самодержавие ва капитализм учун биргаликдаги революцион курашда бирдамлик асосини яратди. Шундай қилиб, РСДРП Иккинчи съездида программанинг қабул қилиниши янги типдаги партиянинг ғоявий бирлиги учун мустаҳкам асос яратди.

КПСС В. И. Ленин таълимотига амал қилиб, партия программаси мазмунини ҳар доим ғалдаги вазифалар даражасида бойитиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июнь Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: **«Партиянинг янги таҳрирдаги Программаси ҳаммамизга бутун куч-қувватни партия билан халқ олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратишда ёрдам бериши керак. Агар биз шу вазифаларни яхши уддалासак, мамлакатни ривожлантиришда, халқ турмушини яхшилашда янги жуда улкан қадам қўйилган бўлади. Шунда социалистик тузумимиз ўз афзалликларини, ўзининг жозиба кучини бутун дунёга янада яққолроқ намойиш эта олади».**

Янги типдаги партиянинг ғоявий бирлиги партия Уставида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишни тақозо этарди. Шунинг учун ҳам партия Уставида чоризм ва капитализмни тугатиш, социализм учун курашда миллион-миллион меҳнаткашларни жипслаштиришнинг моддий асоси пухта ишлаб чиқилди. Уставда демократик централизм принциплари, темир интивомли, марказлашган ягона партияни барпо этиш, унинг сафларига меҳнаткашларнинг энг илғор вакилларини қабул қилиш назарда тутилди. КПСС сафига энг муносибларни танлаш, партия аъзолари олдига юксак талаблар қўйишдан иборат кўрсатмалар большевизмнинг энг асосий ташкилий принципларидан бири бўлиб, партиямиз бугунги кунда ҳам бунга оғишмай амал қилмоқда. Партия Уставини ва партия ахлоқи нормаларини бузувчиларга муросасиз бўлишимиз, партиямизнинг шон-шарафи ва обрўси ҳақида гап кетганда, унинг сафларининг мусаффо бўлиши ҳақида гап кетганда ҳеч кимга ҳеч қандай риоя қилинмаслиги КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларида алоҳида таъкидланади.

Большевиклар партияси барпо этилиши билан революцион курашнинг янги босқичи бошланди. Россия ишчилар синфи ўз авангарди бўлмиш Ленин партияси раҳбарлигида чоризм ва капитализмни ағдариш учун курашда етакчилик ролини ўйнай бошлади. Бу жиҳатлар Россиянинг собиқ чекка ўлкаларида ҳам яққол кўринди. РСДРПнинг Иккинчи съезди қарорларини Туркистон вилояти оммаси орасида тарқатишда рус социал-демократлари катта роль ўйнади. 1904 йилда Тошкентда янги социал-демократик тўгараклар ташкил этила бошланди. Улар РСДРПнинг Иккинчи съездида қабул қилинган Программа ва Уставни кенг тарғиб қилишда катта фаоллик кўрсатдилар.

Улуғ Октябрь революцияси ғалабасини тайёрлаш ва муваффақиятли ўтказишнинг қаҳрамонона тарихи халқаро пролетариат ва бутун дунё меҳнаткашлари учун битмас-туганмас революцион шижоат манбаи бўлиб қолди. Коммунистик партия Октябрь Революциясидан сўнг мамлакатнинг барча меҳнаткашларини Совет ҳокимияти ғалабаларини ички контрреволюция ҳуружидан ва чет эл империалистлари интервенциясидан ҳимоя қилишга, социализм қуриш ленинча планини амалга оширишга сафарбар этди.

Социализм ғалабаси учун кураш давомида партия ва халқ мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция сингари турли ижтимоий-сиёсий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга киришди.

Юздан ортиқ миллат ва элатлар ихтиёрий равишда жипслашган СССРнинг барпо этилиши миллий масала бўйича марксча-ленинча таълимотнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлигини яққол кўрсатди, пролетар интернационализми принципларининг амалдаги ифодаси бўлди. РСДРП Иккинчи съездининг 80 йиллиги ҳақидаги қарорда қайд қилинганидек, мамлакатимизда социалистик турмуш тарзи мустаҳкамланиши билан тенг ҳуқуққа асосланган муносабатлар, коллективизм, ўртоқларча ўзаро ёрдам, халқимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги қарор топди, марксизм-ленинизм совет жамиятининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши Ленин партияси, Совет давлати ва бутун халқимиз тарихида қаҳрамонона давр бўлди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида инсониятнинг ашаддий душмани бўлмиш герман фашизмини ва япон милитаризмини тор-мор этиб, жаҳон халқларини фашизм асоратидан сақлаб қолди. Болгария, Венгрия, ГДР, Чехословакия, Польша, Руминия, Югославия, Вьетнам, Хитой, Корея, Куба ва Лаосда революция ғалаба қозонди, социализм жаҳон системасига айланди. Эндиликда Ангола, Эфиопия, Жанубий Яман, Мозамбик ва шу сингари бошқа мамлакатлар социалистик тараққиёт йўлидан бормоқдалар.

СССРда ривожланган со-

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МУСОБАҚА — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

✦ ҒЎЗА НОРМАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА
✦ ҲОСИЛДОРЛИК 50 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ
✦ ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ
✦ БЕШ ЙИЛЛИК — УЧ ЯРИМ ЙИЛДА
✦ МЕҲНАТКАШ — ЧИН ВАТАНПАРВАР

Колхозимиз ихчам хўжалик. Ер майдонимиз у қадар катта эмас. Бу йил ҳамма бўлиб 1800 гектар майдонда пахта, каноп, шоли ва бошқа экинлар етиштириляпти. Биз фойдаланаётган ерларнинг тупроғи олтинга тенг. Деҳқонларимиз экинларни алмашлаб экиб ва яхши парвариш қилиб, унинг ҳар гектаридан бир ярим-икки гектар ернинг ҳосилини олишга муваффақ бўлмоқдалар. **Колхозимиз, айниқса, пахтанинг ҳосилдорлиги соҳасида фақат район ва областдагина эмас, балки республикада ҳам олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Ўтган йили гектаридан 48,7 центнердан ҳосил кўтарилди. Ўн биринчи беш йилликнинг икки йилида давлатга пландан ташқари қариб икки минг тонна «оқ олтин» сотилди.** Пахтакорларимиз КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларига жавобан ва СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида пахта етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик планни уч ярим йилдаёқ бажаришни, бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни мўлжаллашяпти.

Ғўза жадал ва сифатли парвариш қилиняпти. Ҳозиргача барча майдондаги экин тўрт марта культивация қилинди, минерал ўғитлар билан икки марта озиқлантирилди. Ғўзани, айниқса, азотли ўғитлар билан озиқлантириш эрта тугалланди. Минерал ўғитларнинг йиллик нормаси экинга июнь ойининг охиригача бериб бўлинди. Ғўзаси ривожланишдан бир оз орқада қолган участкаларнинг гектарига ўттиз тоннагача чиритилган ғўғ солинди. Еримиз тўқай бўлгани ва сизот сувлар юза жойлашгани учун бизнинг шароитимизда ғўзани суғориш кечроқ бошланади. Шу туфайли экин «шарбат» оқизган ҳолда бир марта кондириб суғорилди. Маҳаллий ўғит ҳам ғўзага озиқ бўлади, ҳам намни узоқроқ муддат сақлашга ёрдамлашади. Ҳозир иккинчи суғориш давом этяпти. Етмишга яқин сувчи группа бўлиб ишлаяпти. Экинни кечаси суғоришга алоҳида эътиборе бериляпти.

Шу ўринда ҳозир ғўзанинг ривожланишида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қандай тафовут бор, деган савол туғилиши мумкин. Очиғини айтиш керакки, хўжалигимизда ғўза ривожининг ҳозирги ҳолати ўтган йилдагидан фарқ қилмайди. Чунки, барча майдондаги экин июнь ойининг иккинчи ярмида қийғос гуллади. Ҳозир ғўза тупларида ўрта ҳисобда тўрттадан кўсак бор.

Тошкент технологияси асосида ҳамма ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш, парваришлашни тиғиз-лаштириб, вақтдан ютиш орқали ғўза вегетациясининг биологик муддатларини бирмунча қисқартиришга эришдик. Ҳозир ғўза ўз ривожланишида тўртта биологик даврдан ўтди. **Экилган чигит кечи билан 20 апрелгача тўла ундириб олинди. Ғўза 5 майда чин барг чиқарди, 25 майда шоналади, 15 июнда, яъни чигит ерга тушганидан кейин орадан 75 кун ўтгач текис гуллади. Июнь ойида пайдо бўлган дастлабки кўсаклар орадан 55—60 кун ўтгач, 15—20 августда очилади. Шундай қилиб, ҳосил биз бу йил етиштираётган «Тошкент-1» нави учун талаб қилинадиган 150 кун ўрнига 135 кунда пишади.** Кечи билан 20 августда ҳар тўп ғўзада икки-учтадан кўсак очилади. Демак, 25 августда дефолиацияни бошлаш мумкин бўлади. Тошкент технологиясини қўллаганнидан кузатилган мақсадга эришилади.

Ғўзанинг ривожланишини тезлаштиришга пахтакорларимиз, механизаторларимиз онгли интизомга риоя қилиб, виждонан ҳалол меҳнат қилаётганликлари, жон фидо қилиб ишлаётганликлари туфайли эришилди. Зотан, Тошкент технологияси шуни тақозо этади. У қаттиқ тартиб ва интизомга, план ҳамда мажбуриятнинг масъулиятини ҳис этиб, агротехника тадбирларини ижодий қўлланиб ва тиғиз-лаштириб амалга оширишга асосланган. У фақат пахтакорлар ва механизаторлардан эмас, балки хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассислардан ҳам ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилишни, ташкилий-агротехника тадбирларининг ўз вақтида сифатли қилиб амалга оширилишини таъминлаш юзасидан жуда кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб этади.

Бу — қийин, албатта. Умуман пахта, хусусан мўл ҳосил осонлик билан етиштирилмайди. Иссиқ кунда механизатор 12—13 соат давомида рулда ўтириши, сувчи эгат оралаб ғўзага сув тараши, колхозчи кетмон чопиғи ва ўтоқ қилиши учун улардан қанчалик чидам, матонат талаб этилишини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Колхозимиз аъзолари меҳнаткаш, пахтапарвар кишилар. Улар барча машаққатларни мардона енгмоқдалар. Уларни КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини амалга оширишга бўлган ихлос, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга интилиш, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш орзуси қаҳрамонона меҳнатга, мўл ҳосил учун курашга ундамоқда, илҳомлантирмоқда. Бу — меҳнат кишисининг чинакам ватанпарварлиги, у партия қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун меҳнатини аямаслигининг, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида талаб этилганидек тарбияланаётганининг далилидир.

Фикримни исботлаш учун бир мисол келтираман. Мен колхоз партия комитетининг аъзоси сифатида колхозчилар ўртасида партиямизнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига бағишланган суҳбатлар ўтказиб тураман. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси материаллари юзасидан Абилқосим Бейсенов ва Ғаффор Жунусовлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ўртасида суҳбат ўтказганимда илғор механизатор Сафар Худойберганов гапга аралашди. У йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён «дала гвардиячиси» деган шарафли номга муносиб меҳнат қилиб келмоқда. Ҳар йили бригададаги юз гектардан ортиқ майдонга асосан ўзи чигит экади, ғўзани парвариш қилади, етиштирилган ҳосилни машина билан териб беради. С. Худойберганов обрў-эътиборли коммунист, колхоз правлениесининг аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.

Социалистик мусобақа пахтакорлар, механизаторларнинг ижодий куч-ғайратини оширишнинг, муваффақиятга эришишнинг омили бўлмоқда. А. Бейсенов ва Ғ. Жунусов бригадаларининг аъзолари гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун бир-бирларини мусобақага чақиришган. Хан Борис, В. Ускенбоев, А. Абдуқодиров бошлиқ ва бошқа бригадаларнинг пахтакорлари ҳам ўзаро мусобақалашиб, ана шу илғор бригадаларга тенглашиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўзининг қувончли самарасини беришига, колхозда йил бошида қабул қилинган мажбуриятдагидан кўпроқ ҳосил етиштирилишига шубҳа йўқ.

А. ҚОДИРОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

Воқеалар, хабарлар, фактлар

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР МАЙДОНИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

СОФИЯ. Болгариянинг Киржали округи далаларида обиҳаёт келди. Бу ерда учта йирик ва юздан кўпроқ майда сув ҳавзаларини бирлаштирган янги суғориш системаси ишга тушди. Бу система 10 минг гектар ерни суғориш имконини беради. Бу йил Болгарияда суғориладиган ерларни кенгайтириш вазифасини сира кечиктирмай ҳал қилиш зарур эканлигини қатъий кўрсатиб берди. Республиканинг кўп районларига ёйилган ва узоқ давом этган қурғоқчилик шароитида суғориш минглаб гектар майдондаги донли экинларни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини сақлаб қолиш имконини берди.

Мамлакатда суғориш тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда салкам 2.200 та катта ва кичик сув омбори шу тармоққа киради. Ҳозир 1,2 миллион гектар майдон, яъни экиладиган бутун ернинг тўртдан бир қисми суғорилмоқда.

ЗАВОД РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

ПРАГА. Прагадаги «ЧКД-дизель моторлари» машинасозлик заводида ишлаб чиқариш конвейерини ишга тушириш ҳуқуқи энг яхши ишчиларга берилди. Корхонада уч йил давомида тубдан реконструкция қилиш ва янгилаш ишлари олиб борилганидан кейин машина-ускуналар синаб кўрила бошланди. Бу ерда рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ўрнатилди, бир қанча ишлаб чиқариш жараёнларини электроника бошқармоқда. Беш ой мобайнида ишлаб чиқаришнинг барча технологик бўғинлари ҳар томонлама синовдан ўтказилади. Шундан кейингина корхонамиз, дейди завод директорининг ўринбосари Йозеф Юнгман ТАСС мухбирига, маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Биз келгуси йилнинг биринчи кварталида эса лойиҳадаги қувватга эришишни режалаштирмоқдамиз. Меҳнат коллективимизнинг ҳар бир аъзоси Совет Иттифоқининг буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни шарафли иш деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқидаги шерикларимизга ҳар йили 400 дан кўп дизель двигатели етказиб бериш белгилаб қўйилди.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУДАПЕШТ. Шу кунларда Венгрия қишлоқ хўжалик кооперативларининг меҳнаткашлари меҳнат вахтасида туриб астойдил ишламоқдалар. Сольнок областининг кооператорлари буғдой ўрим-йиғимини тугаллаганликлари ҳақида мамлакатда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Комбайнчилар бир маромда ишлаганликлари, меҳнат тўғри ташкил этилганлиги туфайли ўрим-йиғим қисқа муддатларда тугалланди. Сольноклик деҳқонлар ерни келгуси йил ҳосили учун тайёрлашга киришдилар. Венгрия қишлоқ хўжалик кооперативларининг ходимлари социалистик ишлаб чиқариш мусобақасида олдинги сафларда бормоқдалар, партия XII съезди ВХР қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари олдига қўйган вазифаларни ҳал этиш ишига тобора катта ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир қишлоқ хўжалик ерларининг салкам 80 проценти ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг қарийб 70 проценти Венгрия қишлоқ хўжалик кооперацияси улушига тўғри келади. (ТАСС).

ТЎРТ ТОМОНЛАМА БИТИМНИ БУЗМОҚДАЛАР

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Бонн давлат арбоблари бундан қарийб 12 йил илгари Ғарбий Берлин хусусида СССР, АҚШ, Франция ва Буюк Британия имзолаган тўрт томонлама битимни қўпол равишда бузмоқдалар. «Ҳукумат вазифасини» бажариш учун Рейн соҳилларидан бу ерга келган Ғарбий Германия транспорт министри В. Доллингер (ХСС партиясидан) нутқ сўзлаб, ГФРнинг Ғарбий Берлинга нисбатан қонунга хилоф даъволарини тасдиқлашга уринибкўрди. Бу ерда тўрт томонлама битимнинг Ғарбий Берлин ГФРнинг таркибий қисми эмаслиги ва уни бундан кейин ГФР бошқармаслигини назарда тутган асосий қоидасига тамомила хилофдир.

В. Доллингернинг Ғарбий Берлиндагиларни ГДР территориясида жойлашган Шенефельд аэропортини «бойкот қилиш» ҳақидаги даъвати ҳам Германия Демократик Республикасининг ички ишларига қўпол равишда аралашишдан бошқа нарса эмас.

Бонн министрининг визити ГФРдаги мўътабар кучлар Ғарбий Берлин хусусида тўрт томонлама битимларга иғвогарлик хуружи қилаётганликларини намойиш этди. Ғарб давлатларининг расмий доиралари эътироф этганидек, мазкур шартнома Европа қитъасида сиёсий барқарорликнинг муҳим омилидир. (ТАСС).

19 ИЮЛЬ — НИКАРАГУА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ, 1979 ЙИЛГИ РЕВОЛЮЦИЯ КУНИ

✦ Никарагуанинг Матагальпа департаментидаги Панкасан қишлоғида деҳқонларга ер бериш муносабати билан тантанали митинг бўлиб ўтди. Панкасан ва шу атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисига бепул фойдаланиш учун қарийб 12 минг мансан (1 мансан — 0,7 гектар) ер ажратиб берилди. Суратда: ердан фойдаланиш ҳақида васиқа олган никарагуалик деҳқонлар.
Г. Надеждин фотоси. (ТАСС).

РЕВОЛЮЦИЯ СЕРГАК

Никарагуанинг шимолий-ғарбидаги Леон шаҳрига яқин Фортин деган жойда сандиночилар революциясининг қаҳрамонларига ёдгорлик ўрнатилган. 1979 йил 19 июлдаги халқ ғалабасига салкам икки ҳафта қолганида Фортинда Сомоса гвардиясининг катта гарнизони тор-мор этилган. Леон Никарагуанинг биринчи революцион пойтахти бўлиб қолган эди. Революцион ҳаракатдаги хизматлари учун, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушига қўшаётган катта ҳиссаси учун бу йил шаҳар халқ революциясининг 4 йиллигига бағишланган марказий тантана ўтказиладиган жой қилиб танлаб олинди.

4 йил бунёдкорлик ишлари учун —жуда оз муддат. Революцион Никарагуанинг ютуқлари шунинг учун ҳам жуда жозибадор туюлмоқда. Сомоса диктатураси вақтида экинзор ерларнинг атиги 4 проценти деҳқонларга қарашли эди. Қишлоқ аҳолисининг жуда кўпчилиги ишсиз бўлиб, уларнинг оилалари чорночор кун кечирар, гўдаклар эса очликдан қирилар эди. Революция деҳқонларнинг турмушида туб бурилишларга асос солди.

Никарагуа қишлоғига ер ўлчовчилар билан бирга саводсизликни тугатиш кампаниясининг активлари, ўқитувчилар, врачлар келишди. Революциянинг ғалабасига қадар қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги ўқиш ва ёзишни билмаган бўлса, ҳозир саводсизлик даражаси 12 процентга туширилди. Маориф эҳтиёжлари учун ҳукумат миллий бюджет харажат қисмининг 20 процентини ажратмоқда. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тўғрисидаги ғамхўрлик туфайли Никарагуада кўпгина хатарли касалликлар тугатилди.

Қўшма Штатлар доимий тазйиқ ўтказиб, дўқ-пўписа қилиб турмаганида, контрреволюцион кучларнинг агрессив хуружларини рағбатлантирмаганида эди, никарагуаликлар революция йиллари мобайнида бундан анча кўп муваффақиятларга эришган бўлур эдилар. Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига чиқиши биланоқ Никарагуа ҳукумати дон сотиб олиш учун Америка кредитларидан дарҳол маҳрум қилинди. Сўнгра АҚШ бу мамлакатни иқтисодий қамал қилишга киришди. У ўз монополияларининг Никарагуадан банан сотиб олишини тақиқлади, ундан қанд-шакар харид қилишни анча қисқартирди. Яқинда Оқ уйнинг тазйиқи билан Америка мамлакатлариаро ривожланиш банки уй-жойлар, халқ хўжалигининг бир қанча объектларини қуриш учун илгари ваъда қилинган кредитларни сандиночилар ҳукуматига бермасликка қарор қилди.

Иқтисодий қамал сандиночилар революциясини бўғиб ташлашнинг Вашингтонда ишлаб чиқилган плани бир қисми, холос. Президент Рейган ўзининг кўпчилик ўртасидаги оғир неча нутқида АҚШ бундан буён ҳам сомосачи сарқитларни пул ва қурол-яроғ билан таъминлай бериш ниятида эканини яширмади. МРБнинг хатти-ҳаракатлари билан каттагина ёлланма армия ҳосил қилинди, бу армия тарқоқ безорилик хуружларидан Никарагуанинг шимолий ва жанубий районларига қуролли ҳужум қилишга ўтди.

Сомосачи газандалар ўтган жойларда вайрона уйлар, қуйиб кул бўлган кофезор ва тамакизорлар, ағдариб ташланган сим ёғочлар, портлатилган тўғонлар қолмоқда. Яқинда Никарагуа ҳукуматининг эълон қилишича, агрессия етказган зарар 50 миллион доллардан ошиб кетди. Кейинги олти ой ичида газандалар 145 никарагуалик деҳқонни ўлдирдилар, салкам 40 кишини ўғирлаб кетдилар.

Контрреволюцион кучларнинг режаси оддий—бир неча аҳоли пунктини босиб олиб, «озод этилган территорияда» «муваққат ҳукумат» эълон қилишдан ва сўнгра «дўст мамлакатлар»дан ёрдам сўрашдан иборат эди. Қўшма Штатлар қўллаб-қўлтиқлаётган контрреволюциянинг бу шум ниятлари Никарагуа халқининг мардлиги ва қаҳрамонлиги туфайли барбод этилди.

... Сандиночилар революцияси қийин шароитларда қарор топмоқда. Ишчилар, деҳқонлар, студентлар, илғор зиёлилар, хусусий секторнинг ватанпарварлик кайфиятидаги намояндалари шу революция теварагида жипслашмоқдалар.

Дунёдаги барча демократик кучлар, аввало Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар Никарагуа халқи билан ҳамдамдирлар. Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Даниэль Ортеганинг июнь ойи охирларида Чинандегдаги митингда айтганидек, СССР Никарагуа билан ҳар томонлама алоқаларни тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида мустаҳкамламоқда ва кенгайтирмоқда.

А. ТРУШИН,
ТАСС мухбири.

ГВИНЕЯ ХАЛҚИГА СОВҒА

✦ **КОНАКРИ. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Гвинея халқига совға сифатида вабога қарши 10 минг доза вакцинани топширганлиги соғлиқни сақлаш соҳасида республика олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишда Совет Иттифоқи бераётган амалий ёрдамнинг ёрқин намунасидир, деди Гвинея Соғлиқни сақлаш министрлигининг директори Адь Яту Силла ТАСС мухбири билан суҳбатда. Советлар мамлакати, деб таъкидлади у, сўзда эмас, амалда Гвинея соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда, миллий кадрлар тайёрлашда, хавфли касалликларга қарши курашда ёрдам бермоқда.**
(ТАСС).

ХАЛОСКОР ЖАНГЧИЛАР ШАРАФИГА

✦ **ПРАГА. Чехословакиянинг Грабине деган жойдаги ёдгорликни ярим миллион киши томоша қилди. Совет ва Чехословакия жангчилари шарафига ўрнатилган бу улуғвор ёдгорлик Остравани озод қилиш учун фашист босқинчилари билан шафқатсиз жанглар бўлган жойда бундан уч йил муқаддам тантанали равишда очилган эди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатлардан турли ёшдаги ва касбдаги кишилар бу ерга тўхтовсиз келиб турибди.**

Ёдгорлик комплексининг кенг залларида совет жангчиларининг байроқлари, Чехословакияни озод қилиш учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг шахсий анжомлари ёвайлаб сақланмоқда. Совет халоскор жангчиларга шарафига ёқилган мангу олов ёнида гулдасталар ёримайди. (ТАСС).

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИГА МУРОЖААТ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Фаластин Озодлик Ташкилоти БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Исроил босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида вазиятнинг янада кескинлашувига йўл қўймаслик мақсадида шошилинч чоралар кўришга даъват этди. ФОТнинг БМТ қузуридаги доимий кузатувчиси Хавфсизлик Кенгаши ранси номига йўллаган мактубда таъкидланганидек, сионистларнинг фаластинлик тинч аҳолига нисбатан қилаётган агрессив хатти-ҳаракатлари натижасида Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида кейинги кунларда вазият сезиларли даражада кескинлашган. Исроил ҳарбий маъмурлари араб аҳолисига қарши репрессияларни яна қўллаган Ал-Халилда вазият айниқса, кескинлашган. Шаҳарда аслида қамал ҳолати жорий этилиб, қонуний равишда сайланган шаҳар ҳокимлари ва муниципал кенгашнинг барча аъзолари бўшатилган. Фаластинликларнинг уйларига ўт қўяётган сионист тўдалар босқинчи маъмурларнинг бутунлай бепарволигидан фойдаланиб, бебошлик қилмоқдалар.

Ҳужжатда таъкидланганидек, фаластин халқи сионистларнинг зўравонлигига қатъий қаршилик кўрсатиб келди ва қаршилик кўрсатаверади.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги аҳволни муҳокама қилиш учун Иордания талаби билан чақирилган Хавфсизлик Кенгашининг маслаҳатлашувларида Исроилга ҳомийлик қилаётган Қўшма Штатлар шу кунларда қўшилмаган мамлакатлар группаси БМТга таклиф қилган резолюция лойиҳасига қарши чиқмоқда. Бу резолюция лойиҳасида Яқин-Шарқдаги вазиятнинг мураккаблашаётганлиги учун айб Тель-Авив зиммасига юкланади.

БМТдаги араб мамлакатлари группаси Хавфсизлик Кенгашига сионистларнинг Ал-Халил аҳолисига қарши репрессияларини ва бу шаҳар ҳокимини бўшатганлигини қоралашни, босиб олинган территорияларнинг ҳуқуқ статусини ҳамда демографик хусусиятини ўзгартиришга қаратилган барча қарорларни бекор қилишни Тель-Авивдан талаб этишни таклиф қилиш ниятидадир.

САЛЬВАДОРДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

МАДРИД. (ТАСС). Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик фронтининг қўзғолончилари Сальвадорда актив жанг ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Испания ахборот агентлиги ЭФЭ мухбирининг Сан-Сальвадордан хабар беришича, партизанлар ўтган кунлар мобайнида Морасан департаментида аҳоли яшайдиган ўн пунктни ишғол қилганлар. ЭФЭ мухбири яширин «Венсеремос» радиостанциясининг хабарига таяниб маълум қилишича, жазо отряд-лари шиддатли жанглар вақтида юздан ортиқ солдат ва офицердан маҳрум бўлганлар.

Бу ерда чиқадиган «Камбио-16» журнали Сальвадор бўйлаб сафар қилган ўз махсус мухбирининг репортажини эълон қилди. Бу репортажда ана шу мамлакатда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида гапирилади, қўзғолончиларнинг муваффақиятлари кўрсатиб ўтилади, Вашингтоннинг халққа душман бўлган режимни қўллаб-қувватлаётганлиги танқид қилинади.

ГРЕЦИЯ — АМЕРИКА БИТИМИ

АФИНА. Бу ерда Греция территориясида АҚШнинг ҳарбий базаларидан фойдаланиш тўғрисидаги янги Греция — Америка битими дастлабки тарзда имзоланди. Бундан олдин қарийб бир йил давом этган ва неча марта қолдирилган мураккаб музокаралар давом этган эди.

АҚШ Грециядаги ҳарбий базаларини сақлаб қолишга уринди, Греция ҳукуматига муайян даражада ён босишга мажбур бўлди. 5 йил муддат билан тузилган битим унинг муддати тугагандан кейин 17 ой ўтгач АҚШ ўзининг ҳарбий базаларини Грециядан олиб кетиши ва ҳарбий хизматчиларини кўчириши кўзда тутилади.

Янги битим 1953 йилда тузилган битим ўрнига амал қила бошлайди. Греция ҳукумати 1953 йилги битимга мустамлакачилик кўринишли деб баҳо берган эди. Янги битим келгуси йилнинг бошида кучга киради.

(ТАСС).

циализм қурилганлиги партия ва совет халқи фаолиятининг энг муҳим якунидир. КПСС XXIII—XXVI съездларида, партия Марказий Комитетининг қарорларида, СССР Янги Конституциясида коммунистик формациянинг ривожланишидаги икки босқич ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга амал қилиб, Программ мақсадларимизни амалга ошириш йўллари ва муддатлари аниқлаб берилди, коммунизм йўлидаги қонуний босқич бўлмиш ривожланган социалистик жамият концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги шароитда эса партия ва халқ фаолиятининг асосий мазмуни ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборатдир. Бу ҳол Коммунистик партиянинг совет жамияти ҳаётидаги раҳбарлик ролини янада оширишни, ишлаб чиқарувчи кучларни, совет демократиясини, ижтимоий мусобақаларни, социалистик онг, фан ва маданиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни назарда тутади.

Партия ва халқ бирлиги совет жамияти бузилмаслигининг, социалистик равнақининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бутун совет халқининг авангардига айланиб, КПСС ўзининг синфий характерини йўқотгани йўқ ва ўз табиатига кўра ишчилар синфи партияси бўлиб қолмоқда. КПСС XXV ва XXVI съездлари орасида ярим миллиондан кўп энг яхши ишчилар синфи вакиллари партия сафларини тўлдиришди. Улар колхозчилар билан бирғаликда барча коммунистларнинг учдан икки қисмини ташкил этмоқда. Совет зиёлиларининг вакиллари ҳам партия сафларини муттасил тўлдириб бормоқда.

Партия ҳар вақт бўлгани сингари ҳозирги вақтда ҳам юксак уюшқоқлик билан интизомлилик намуналарини кўрсатмоқда, социалистик турмушимизнинг ҳамма соҳаларига сингиб кетган демократик принципларни ривожлантирмоқда. Шунинг учун ҳам совет халқи КПССни ўз манфаатларининг ифодачиси деб билиб, чуқур эътиқод қўйиб унинг ички ва ташқи сиёсатини активлик билан амалга оширмоқда.

1983 йил — ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилидир. Унинг вазифалари партия Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил), июнь (1983 йил) Пленумларида янада конкретлаштириб берилган. Бу Пленумларда ишлаб чиқариш самарадорлигини, унинг интенсивлигини ошириш, Озиқ-овқат программасини бажариш масалаларию юксак талабчанлик ва танқидий руҳда кўриб чиқилди, иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг ҳамма соҳалари учун катта ва янги вазифалар қўйилди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакат экономикасини ўстиришга, халқ фаровонлигини оширишга олиб келади. Бунёдкорлик ғайратимиз туфайли барча имкониятларнинг рўёбга чиқишига жуда катта ишлаб чиқариш потенциалимиз муҳим омилдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, партия экономикага раҳбарлик қилиш, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига, вазифаларига қатъий риоя қилиш учун масъулият ҳиссини кучайтириш, партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай кўринишда бузилиш ҳолларига қарши кураш билан боғлиқ бўлган камчиликларни дадил айтмоқда. Партиямизнинг бу йўли барча коммунистлар, меҳнаткашлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бу ҳол ишлаб чиқариш фаолиятида айниқса катта-катта самаралар бермоқда.

Инсон тўғрисида, унинг маънавий эҳтиёжлари, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш партиямизнинг идеология соҳасидаги фаолиятига чуқур сингиб кетгандир. КПСС янги кишини шакллантириш — бу коммунистик қурилишнинг бош мақсади ва муҳим шартидир деган ҳақиқатга амал қилади. Шунинг учун ҳам ривожланган социализмни такомиллаштириш давомида келиб чиқаётган вазифалар кўпайиб ва мураккаблашиб борган сари идеология иши тобора биринчи ўринга чиқмоқда. Идеология, оммавий-сиёсий ишларимизни янада яхшилаш, бу ишларнинг асосли бўлишини таъминлаш, таъсирчанлигини кучайтириш йўллари эса КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида кўрсатиб берилган. Шу Пленумда ўртоқ Ю. В. Андропов сўзлаган нутқида эса партиямизнинг ҳозирги босқичда олиб бораётган идеологик фаолиятининг асосий вазифалари, партия ва мамлакат, жаҳон тараққиёти жараёнига даҳлдор бўлган энг муҳим жараёнларнинг принципиал қоидалари марксча-ленинча нуқтан назардан илгари сурилди ва асослаб берилди.

КПССнинг жанговар ташкилотларидан бири бўлмиш Ўзбекистон Коммунистик партияси ўзининг бутун ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти билан халқнинг маънавий-сиёсий онглилигини юксалтиришга, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида баён қилинган кўрсатмаларни амалга оширишга эришмоқда.

Совет халқининг ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлидаги бунёдкорлик фаолияти жаҳон социализмининг иқтисодий қудратини мустаҳкамламоқда. Социализм мамлакатларининг ишлаб чиқариш ва илмий-техника кооперациясидаги ютуқлари тобора кўпайиб бормоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқариши 1950—1980 йиллар мобайнида қарийб 13 баравар, ривожланган капитализм мамлакатларида эса атиги 4 баравар ўсди. Сўнгги ўн йил ичида об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йиллик ўртача ҳажми анча ошди.

Қардошларча ҳамкорлик, социалистик иқтисодий интеграция коммунистик ва ишчи партияларнинг 80-йиллари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар томонлама алоқаларини интенсив кенгайтириш ва чуқурлаштириш даврига айлантириш йўлига мувофиқ равишда ривожланмоқда.

КПСС пролетар интернационализми принципларига ҳар доим содиқдир. Партия ҳозирги вақтда мамлакатимизда янги жамият қурилишини муваффақият билан амалга ошира бориб, айни вақтда жаҳон озодлик ҳаракатининг бутун боришига актив таъсир кўрсатмоқда, замонамизнинг прогрессив, революцион ҳаракатларига яқиндан ёрдам бермоқда. Жаҳонда мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — совет ташқи сиёсатининг муқаддас мақсадидир.

КПССнинг бой тарихий тажрибаси, ютуқлари социалистик мамлакатлар халқларини, жаҳондаги барча коммунистларни, жаҳон ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатини империализмга қарши, тинчлик, озодлик ва социализм учун курашга илҳомлантираверади.

А. ҲУРОЛОВ,
тарих фанлари доктори.

АХБОРОТ

СУРХОНДАРЁ

АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг бўлим мудири, тарих фанлари доктори Аҳмадали Асқаров раҳбарлигида «Гулистон» совхози марказида область археология музейи ташкил этилди. Музей Сурхон дарёси тупроғида топилган нодир экспонатлар билан бойитилмоқда.

ҚИМИЗ ЗАВОДИ

Қумқўрғон район матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик базаси коллективи аҳолига арзон гўшт, балиқ, асал, сут, тухум, резаворлар етказиб бериш билан бирга қимизчиликка ҳам эътиборни кучайтирди. Базада 98 йилқи парвариш қилиняпти. Бия сутидан тайёрланган шифобахш ичимлик савдога чиқарилмоқда. Коллектив туя сутидан қимиз тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқда.

ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

«Облколхозстрой» трестига қарашли 70-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг Тўлабой Наврўзов бошлиқ участка қурувчилари Каттақўм массивида ташкил топган Термиз парранда-чилик фабрикаси ишчилари учун 10 та уйни қуриб, фойдаланишга топширишди.

М. АБДУРАҲМОНОВ, Х. ХУДОЙҚУЛОВ.

✦ Шарқнинг қадимий ва навқирон шаҳри Самарқанд тарихи, унинг бой архитектура ёдгорликлари, олим Мирзо Улуғбек, археолог Вяткин ҳақида ва бошқа мавзуларни ўз ичига қамраб олган телевизион видеофильм яратилди. Бу фильмни француз «Телеунионпарк» фирмаси кинематографчилари суратга олишган. Суратда: француз шарҳловчиси Филипп де Дьёлёвё Шоҳизинда ансамблидан репортаж олиб бораётир.

Р. Ғофуров фотоси. (ЎзТАГ).

Абитуриент—83

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

— Ёз келди дегунча газеталарда, радиоэшиттиришлари-ю, телевидение кўрсатувларида шу йилдаги эълонлар тез-тез кўриниб қолади. Илм олиш ҳуқуқи СССР Конституцияси билан гарантияланган Советлар диёрида ҳар ким истаган ўқишига кириши, хоҳлаган ихтисосни эгаллаши мумкин. Мутахассисларнинг ҳисобича, дунёда ўн мингдан ортиқ касб бор экан. Университет ёки институтга кириб, олий маълумотли бўлишни кўзлаган ёшлар шундан нари борса, мингтасини билишади. Аммо шу мингтадан ҳам биттасини, умрбод маъқул бўладиганини танлаш осон эмас.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бошқармаси бошлиғи Учқун Алиевич Исамуҳамедов билан суҳбатимиз шу ҳилда бошланди. Редакциямиз олий ўқув юртларида ўқиш истагида бўлган йигит-қизлар — абитуриентлардан кўплаб хат олмоқда. Мактубларнинг аксарияти бу йилги қабул қоидаларига таллуқли бўлгани учун ҳам суҳбат асосан шу мавзу устида борди.

— Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Абитуриент» сўзи мактабни битириб олий ўқув юртига кираётган киши деб таърифланган. Эндиликда бу изоҳни ислоҳ қилишга тўғри келади, — деб сўзида давом этди у. — Нега-ки, кейинги йилларда абитуриентлар орасида техникум ва ҳунар-техника билим юртларини битирганлар ҳам оз эмас. Умумий таълим мактабларидан ташқари ҳозирги кунда ана шу илм масканларида ҳам ўрта маълумот олиш мумкин-ку, ахир.

Шунисқ қувончлиқ, Иттифоқимизда бўлгани каби республикамизда ҳам университет ва институтларга студентлар қабул қилиш йил сайин кўпаймоқда. Жумладан, бизнинг министрлик қарамоғидаги ўн икки олий ўқув юртида кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган 24 минг йигит-қиз шу кузда илк дафъа студентлик билетини оладилар. Айни чоғда бизда янги тармоқлар, хусусан республикамиз учун истиқболли саналадиган соҳалар учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўқув йилидан бошлаб Тошкентдаги политехника институтида радиотехника, радиоаппаратлар ясаш ва ишлаб чиқариш, университетда эса КПСС тарихи ихтисоси бўйича мутахассис ҳозирлашга киришилишини айтиш кифоя.

Олий мактабнинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Натижада икки йил ичида уларнинг етита филиалини очишга муваффақ бўлинди. Олий ўқув юртларимиздаги тўққиз мингдан ортиқ ўқитувчининг 270 дан ортиғи фан доктори ва профессор, 3,5 мингга яқини фан кандидати ва доцент эканлиги юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишидаги ютуқларимиз янада самаралироқ бўлишига имкон бераётир.

— Ҳадемай олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланади. Бу муҳим ишга қандай ҳозирлик кўрилди?

— Шу кунларда ҳамма олий ўқув юртларида бўлажак студентларни аниқлаб берадиган қабул кампанияси авжида. Бу масъулиятли ишга пухта тайёргарлик кўрилди, зарур ташкилий тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди, қабул комиссиялари иши намунали, пухта йўлга қўйилди. Министрлигимиз коллегиясида олий ўқув юртларининг партия ва жамоат ташкилотлари билан келишилган ҳолда маъмурият томонидан тайёрланган тақдимномалар асосида тажрибали профессор ва доцентлардан қабул комиссияларининг масъул секретарлари номзодлари тасдиқланди. Ишларни яхши, тўғри ташкил этиш мақсадида Тошкент, Фарғона ва Самарқандда қабул комиссиялари масъул секретарларининг зонал семинар-кенгашлари ўтказилди.

Абитуриентлар ўртасида ҳам катта тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Университет ва институтларда ҳамда уларнинг филиалларида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» айниқса яхши самара бермоқда. Бўлажак абитуриентлар шундай кунларда ўзларини қизиқтираётган ихтисос билан танишиб, фан кабинетлари ва лабораторияларда бўладилар, профессорлар ҳамда етакчи ўқитувчилар билан учрашадилар. Бундан ташқари олий ўқув юртлари ва институтларининг жойларга бориб, тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиши ҳам касб танлашда ёшларга мададкор бўлмоқда.

— Бу йилги қабул қоидаларида қандай ўзгаришлар бор?

— Қоидалар ўтган йилгидан қарийб фарқ қилмайди. Одатдагидек олий ўқув юртига қабул қилишда икки йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар ҳамда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганларга бирмунча имтиёзлар берилади. Айтайлик, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳарбий қисм тавсияномаси билан ўқишга келганда қабул қоидалари иловасида санаб ўтилган 170 ихтисосдан бирини танлаб, кириш имтиҳонларини топширишда қониқарли баҳо олган тақдирда ўқишга конкурссиз қабул қилиниши белгилаб қўйилган. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тасдиқлаган қоидаларда конкурсдан ташқари қабул қилинадиган бошқа ҳоллар ҳам белгилаб қўйилган.

Шу қоидада республикамиздаги танқис ихтисослар рўйхати ҳам белгилаб берилди. Тошкент политехника, темир йўл транспорти инженерлари институтлари ва бошқа техника олий ўқув юртларида ўнта ихтисос шу гуруҳга киритилган. Ўрта мактабни олтин медаль билан, техникум ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тугатганлар шу хил ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланадиган группаларга имтиҳонсиз қабул қилинади; ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатида баҳоси ўртача 4,5 баллдан кам бўлмаганлар эса имтиҳонларнинг иккитасидан 8 балл олсалар, қолганларидан озод қилинадилар. Айрим олий ўқув юртларида тажриба йўсинида ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатида худди шу хилдаги кўрсаткичи бўлган абитуриентлар икки имтиҳонда тўққиз балл олсалар кифоя — улар ҳам студентлар сафига қабул қилинади. Умуман эса, медаль ва имтиёзли диплом билан олий ўқув юртига кираётганлар кириш имтиҳонларининг биттасини топириб, «5» баҳо олсалар, қолганларидан озод қилинадилар. Йўқса, бошқалар қатори ҳамма имтиҳонларни топширадилар.

— Ҳар йили марказий шаҳарлардаги олий ўқув юртларига иқтидорли ёшларимиздан юборилади...

— Шундай. Шу йўл билан мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Университет ва институтларимизда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 750 йигит-қиз Москва, Ленинград ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳаларидаги олий ўқув юртларига юборилади. Бошқа қардош республикалардан ҳам тахминан шунча йигит ва қиз бизга келиб ўқийди.

— КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида мутахассислар тайёрлашдаги ишларни янада такомиллаштириш хусусида гап борди. Бу борада қандай тадбирлар белгиланди?

— Партиямиз Марказий Комитетининг ана шу анжумани мўътабар минбаридан туриб мутахассислар тайёрлаш ишини яхшилаш, таълим-тарбия савиясини кўтариш, ижтимоий фанлар соҳасидаги ишларни кучайтириш вазифалари қўйилди. Шу боис бу йил философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм ва КПСС тарихи ихтисосларига қабул қилишга бирмунча ўзгаришлар киритилди. Бундан ташқари Пленум йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, ҳунар-техника билим юртлари битирувчиларини олий мактабга қабул қилишда ҳам бир қанча имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда.

Тайёрлов группалари орқали студентлар қабул қилиш мутахассис тайёрлашда ўзини оқлаган иш формасидир. Бу йил ҳам биринчи курс студентларининг маълум қисми шу хил группаларда таҳсил кўрган, тегишли имтиҳонлардан яхши ўтган йигит ва қизлар бўлади.

Суҳбатни Р. ҚОСИМОВ ёзиб олди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕКОРДЧИ ПОЛИМЕРЛАР

Белоруссия фанлар академияси умумий ва ноорганик химия институтида яратилган полимерларни бўяш, улардан деталлар қуйиш, уларга ҳар хил хоссалар бериш мумкин. Масалан уларнинг таркибига муайян химик бирикмаларнинг микроскопик дозалари қўшилса пластиклар ўтга, емирувчи муҳитга бардошли бўлиб қолади. Уни ўткир кислотада йиллаб сақлаш ҳам мумкин бўлади.

Янгиликнинг бошқа хил нафли хусусиятлари бўлган моделлари, масалан металл сингари пишиқ, электр ўтказувчан, бошқа хил моддаларга энерт, химиявий реакцияларни тезлатувчи катализатор хиллари яратилган.

Ҳозирга қадар шундай материаллардаги углерод тола полимерни «хушламасди». Шу сабабдан материал ғоваклн бўлиб, емирувчи суюқлик мана шу ғовакдан кириб борарди. Эндиликда шу камчилик бартараф этилди. Олимлар янги материал асосан металлни коррозиядан ҳимоя этишда ва пўлат конструкциялар ўрнини эгаллашда ишлатилади, деб ҳисобламоқдалар.

(ТАСС).

КЕНЖА РАЙОН ЧИРОЙИ

Қўшработ — Самарқанд областида кенжа районлардан бири. Кейинги йилларда бу ерда кўплаб уй-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, мактаб, боғча, ошхона ва магазинлар қурилиб, район марказининг чиройига чирой қўшмоқда.

Ўтган йили 52 квартирали уй-жой бинолари, автомобиль заправка станцияси, 500 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган автостанция сингари қатор иншоотлар аҳоли хизматига топширилди. Яқинда янги 140 ўринли болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш уйи ишга туширилди.

Объектларни барвақт қуриб битказишда райондаги механизациялашган кўчма колоннанинг коммунист Алиқул Абдуҳамидов, Абдумурод Норбобоев ўртоқлар бошлиқ бинокорлик бригадалари бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, райондаги «Октябрь 50 йиллиги», Эргаш Жуманбулбул ўғли номли, Киров номли совхозларда ҳам кўплаб жамоат бинолари қад кўтариб, қишлоқ ва посёлкалар кўркига-кўрк қўшмоқда.

Р. ШОДИЕВ.

Курск жангининг 40 йиллиги

ПРОХОРОВКАДАГИ УЧРАШУВ

ХОТИРА

Прохоровка қишлоғи уруш вақтигача СССР картасида ҳам кўрсатилмаган. Энди эса бу қишлоқнинг номини дунё билади.

Прохоровка қишлоғидаги танк жанги Курск ёйидаги жангларнинг энг шиддатли чўққиси эди. Бу ерда ҳар икки томондан жами бир минг икки юз танк ва ўзиюрар тўплар тўқнаш келди.

Ҳозир Курск шаҳар экскурсия ва туризм бюросида ишлаётган истеъфодаги генерал-майор Калинин бундай ҳикоя қилади:

— Бизнинг штурмчи самолётлар эскадрильяси бу ерга етиб келди. Осмондан қишлоқни кўриб бўлмас эди. Пастлаб учиб, немис танкларига ҳужум қилмоқчи бўлдик, лекин бўлмади, ҳар икки томоннинг танклари таранга ўтиб, бир-бирларини қийратишар, танклардан чиққан тутун ҳеч нарсани кўрсатмас эди.

Прохоровкада тракторчи бўлиб ишлаётган Лукянов:

— Мен ўша вақтда 15 ёшларда эдим. Ертўладан кузатиб турибман: даҳшат! Танклар ёняпти! Қишлоқ ёнарди!

Бу танк жанги шаҳидларининг гаплари.

Қисмимиз жангчиларига ёрдам етиб келганда ҳали жанг давом этарди. Псел дарёси билан темир йўл оралиғига жойлашган қишлоққа немисларнинг яна янги-янги кучлари етиб келмоқда эди. Михаил Матюшкин, Пономаренко ўз взводи билан дарё бўйидан қишлоққа босиб келаётган немис танкларини ота бошлади. Ўзиюрар тўпларимиз, миномётларимиз немис пиёдаларини ўққа тутди. Жанг яна шиддатли тус олди...

Бу қонли, даҳшатли воқеадан сўнг 40 йил ўтди. Лекин «танк майдони» жанги кечагидек кўз олдимизда. Ҳалок бўлган дўстларимиз хотираси қалбимизда.

Урушдан омон қолган қуролдошлар вақти-вақти билан учрашиб турамиз.

Белорус, украин, молдаван, курсклик, орёллик қуролдошларимиз бизнинг уйимизга ташриф буюришади. Биз уларни республикамиз бўйлаб саёҳат қилдирамиз, қуролдошлар уйида меҳмон бўламиз.

Навбати билан биз ҳам ойламиздагиларни олиб, қуролдошлар юртига бориб, уруш вақтида ер билан яксон бўлган кулбалар ўрнида, ҳозир савлат тўкиб турган хонадонларда, ўрмонзорларда, кўл ва дарёларда ўз уйимиз, элимиздек дам олиб ҳордиқ чиқарамиз, ўтмишни эслаймиз.

Ўтган йили қуролдош дўстлар билан Прохоровкада учрашишга ваъдалашган эдик. Учрашдик. Белгород шаҳар экскурсия ва туризм бюросининг ходими Зоя Маликова бизларни жанг қилган қишлоғимизга олиб келди. У машинадан тушган заҳоти сукут сақлаб туриб қолди. Унинг кўз ёшлари қалқиб турарди. Мана шу қишлоқда эри капитан Маликов жон берган, ўғли ҳалок бўлган, қизини Германияга олиб кетишган. Ўзи эса эри билан бир қисмда жанг қилиб, яраланган. Онанинг бетларини ажин босган. Қалқиб турган кўз ёшлари ўша азоб-уқубат аламидан бино бўлган ажинлардан оқа бошлади.

Бизга она эмас, унинг кўз ёшлари ҳикоя қилди.

— Прохоровкадан Белгородгача 40 километр. Қишлоқ гўзал, Псел дарёси унга ҳусн бағишлайди. Тептекис буғдойзор. Маккажўхори, лавлаги, кунгабоқар, сабзавот экинлари мўл ҳосил беради. «Красная знамя» колхози, «Октябрь» совхози ерлари бу.

Уруш йиллари немис фашистлари мана шундай қишлоқни вайронага айлантирди. Ешларни Германияга олиб кетишди, юзлаб кишилар узоқ-узоқларга қочиб, ертўлаларда яшашди. Партизанлар отрядига қўшилиб немисларга қарши жанг қилишди. Шундан кейин немислар зулми кучайиб кетди. Гўдакларни оналари олдида отиб ташлашди. Комсомол ва коммунистларни дорга осишди. Барибир прохоровкаликлар тиз чўкишмади.

Прохоровка қишлоғининг бир чеккасида шу ердаги танк жангида қатнашган «Т-34» танки шохсупага қўйилган.

Мана ҳозир бу ерга ўша жангда қатнашганлар, уларнинг фарзандлари бош эгиб, Ватан учун жон берган зотларини хотирламоқда.

Прохоровка янгидан дунёга келди. Кўркам уйлар, асфальт йўл, йўлкалар, магазин, клуб, меҳмонхона...

Биз қаерда жанг қилган эканмиз, кидириб тополмадик.

— Тополмайсиз ҳам, — дейди тракторчи Николай Рязанов ҳазиломуз.

Прохоровкага бир кунда 100—200 киши келади. Турли миллат кишилари ўз қариндош-уруғларини қидиради.

Ким билади, кўплар қатори капитан Маликовнинг жасади устига биз тупроқ тортгандирмиз, балки ярасини биз боғлагандирмиз. Қанчалик жанг шиддатли бўлмасин қурбон бўлганларни, ярадорларни ташлаб кетмаганмиз. Мана ўшандай бирбирини жанг майдонидан судраб чиққанлардан бири Лукянов ҳикоя қилиб берди:

— Одатда жангда ярадор бўлган дўстингни ўқ снаряддан асрайсан. Прохоровка жангида алангаси кўтарилаётган тутун ва алангадан олиб чиқиш керак эди. Мен ўз танкимдан отилиб тушиб, учта жангчимизни ўлимдан сақлаб қолдим. Улар ҳозир бола-чақали. Курск жангининг 35 йиллигида келиб зиёрат қилиб кетишди.

Зоя Маликова бу қишлоққа ҳар уч-тўрт кунда экскурсиячилар билан келади, лекин эрининг қабрини тополмайди. Шундан кейин қўлидаги гулдастасини «Т-34» танкининг остига қўйиб кетади.

Прохоровкада ҳалок бўлган дўстларимиз хотираси учун бизлар ҳам гул қўйдик.

Р. ИСҲОҚОВ,
истеъфодаги капитан.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

СССР ХАЛҚЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

ҚИЗҒИН КУРАШ

Яна уч кундан кейин СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадаси байроғи тантанали равишда кўтарилади. Спартакиада чемпионлиги учун кураш тобора кескин тус олмоқда. Кеча спортнинг яна тўрт тури бўйича мусобақалар бошланди. Москвада чим хоккей бўйича ўн икки команда икки группага бўлинган ҳолда баҳсларни бошлаб юборишди. Республикамиз хоккейчилари биринчи группада Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Украина ва Арманистон коллективлари билан саралаш ўйинларини ўтказадилар. Дзю-до беллашувларида Бельгия, Голландия, Испания ва ГФРдан келган курашчилар ҳам иштирок этадилар. Эркин кураш мусобақаларида Болгария, Польша, ЧССР, Туркия, ГФР, Швеция ва Япония спортчиларининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Бадиий гимнастикачиларимиз Болгария, Испания, Куба, Польша ва Руминиялик тенгдошлари билан маҳорат бобида ўзаро баҳслашадилар.

Украина йўллари бўйлаб бир неча кун давом этган велопойга мусобақаси якунланди. Шахсий ҳисобда қозоғистонлик В. Волошин чемпион бўлди. Украина пойгачилари команда ҳисобида муваффақият қозонишди. Республикамиз спортчиси Ж. Абдужабборов шахсий ҳисобда кучлилар сафидан ўрин олди. Шахматчиларнинг Москвада бошланган мусобақалари ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Вакилларимиз иккинчи группада дона суришмоқда. Ўзбекистон — Қозоғистон командалари учрашуви кечиктирилган ўйинлардан кейин 3,5:4,5 бўлди. Литва командаси билан ўйинда шахматчиларимиз 3:4 ҳисобида (бир ўйин кечиктирилган) имкониятни бой бериб туришибди.

Вильнюс ва Каунас шаҳарларида курашаётган қўл тўпи усталари баҳсида финалчилар аниқланди. Республикамиз қизлари 1—8 ўринлар учун курашувчи коллективлар сафидан ўрин олдилар. Йигитларимиз тўртта учрашувнинг учтасида ғалаба қозониб туришибди. Футболчилар Иваново, Тула, Рязань ва Москва шаҳарларида саралаш ўйинларини ўтказадилар. Мусобақаларни учинчи группа коллективлари бошлаб беришди; Латвия — Литва — 2:0, Эстония — Туркманистон — 2:1, Футболчиларимиз эртага Рязань шаҳрида дастлабки учрашувни Украина командаси билан ўтказадилар. Академик эшкак эшиш мусобақасида республикамиз командаси 7—12 ўринлар учун курашади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

1983—1984 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум колхоз, совхоз, ўрмон хўжалиги учун ўрта махсус малакали мева-сабзавотчилик бўйича агрономлар, техник-механиклар, ўрмончилик хўжалиги техниклари ва техник-технологлар тайёрлайди.

Мева-сабзавотчилик, техник-механик, техник-технолог ва ўрмон хўжалиги техниги мутахассисликларидан ташқари бир қатор қўшимча равишда ишчи касблари берилади.

Техникумга ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 10—11 синфни тамомлаганлар учун 2 йилу 6 ой.

8 синфни тамомлаганлар учун 3 йилу 6 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳонлар топширадилар: 8-синфни тамомлаганлар она тили (диктант), математика (оғзаки).

Ўрта маълумотли шахслар: мева-сабзавотчилик, ўрмон хўжалиги ва мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимлари бўйича она тили (иншо), химия (оғзаки); механизация бўлими бўйича: она тили (иншо), математика (оғзаки).

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотидан демобилизация қилинганлар, иш стажига эга бўлган корхона, совхоз ва колхозлар йўлланмаси билан келганлар конкурссиз қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат ёки гувоҳнома (асли), метрика, паспорт шахсан кўрсатилади. Соғлиги ҳақида справка (286-форма), 4 та фотосурат (3х4 см.).

Етоқхона ва стипендия умумий тартибда белгиланади.

Адрес: Тошкент области, Тошкент райони, Кенсой поселкаси («Табиат музейи»дан 105-автобусга ўтириб «Кенсой» бекатигача (техникум биноси) ёки 107, 108 билан «Шўро бозор» бекатигача борилади).

●

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

агрегатчи-слесарлар (4—5-разрядли), автомобиллар ремонти бўйича слесарлар (5-разрядли), двигатель синовчилари (4—5-разрядли), токарлар (4—5-разрядли), фаррош, нормаловчи, ҳаракат хавфсизлиги бўйича катта инженер

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Навбати билан квартира берилади.

Корхонанинг ўз болалар боғча-яслиси бор.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Нариманов шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (106, 133, 121-автобусларнинг «9-автобаза» бекати).

●

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/VII да **Ёшликда берган кўнгил.**

«ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА»

Навоий номли Наманган область музикали драма театри коллективи бу йил томошабинларни бир қатор янги спектакллар билан хушнуд этди. Яқинда санъат мухлислари драматург Алп Жамолнинг «Тўйдаги тутун» спектаклининг премьерасини қувонч билан кутиб олишган эди. Куни кеча эса ёзувчи Улмас Умарбеков қаламига мансуб бўлган «Ўз аризасига кўра» спектакли ҳам саҳна юзини кўрди. Асарни республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев саҳналаштирган. Асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артисти Маматхон Убайдуллаев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Собир Соҳибов, Онахон Тожибоева, артистлар Рустам Ҳамроқулов, Маъсуда Фахриддинова ва бошқалар ижро этмоқда.

Театр санъаткорлари шу кунларда Максим Каримнинг «Нотаниш танишгинам» асари устида иш олиб боришмоқда.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Телевидение

19 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55— Концерт. 10.25 — Ҳужжатли фильмлар. 11.25 — Шарти — кучук ини. Бадиий фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.35 — Концерт. 17.10 —Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.40 — Уфқ. 18.40 — Никарагуа: озодлик қўшиқлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Инсон ва қонун. 20.05 — Фольклор. 20.35 — Маяковский биз билан. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 —Спорт ахбороти.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.45 — Сайроқи канарейка кимникига учиб борди. Бадиий фильм. 11.20 — Француз тили. 11.50 — Ғалла сабоқлари. 12.35 — Спорт ахбороти. 12.55 — Барабанчининг тақдири. Бадиий фильм. 2-серия. 14.00 — Ўқитувчига музика сабоғи. 14.55 — Ҳужжатли фильм. 15.15 — Қизиқарли табиатшунослик. 15.40 — Концерт. 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Мен севган киши. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 22.05 — Футбол. Спартак — Динамо.

ТОШКЕНТ-I. 12.35 — Қувноқлар даврасида. 13.05 — Бурчга садоқат. 13.40 — Концерт. 14.20 — Хато қилишга ҳақкинг йўқ. Бадиий фильм. 18.30 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — Абитуриент-83. 19.10 — ҚПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ипак пахта усталари. 22.25 — Ўжар Кура. Бадиий фильм. 1-серия. 23.55 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.40 — Москва-II.

18.00 — Физика. 19.00 — Биология. 19.30 — Эстония тажрибаси. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Енгиндан сақланинг. 20.50 — Ҳамма танийдиган номаълум киши. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Москва-II.

20 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вице-адмирал Г. И. Шчедрин билан учрашув. 10.40 — Концерт. 11.10 — Мўъжизасизмўъжизалар. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Горнчилар, қаердасиз! 16.50 — Болалар учун фильм. 18.00 — Стадион ҳамма учун. 18.30 — Партия ҳақида ҳикоялар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — Концерт. 20.25 — Қадрдон уй ҳарорати. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрист Буш куйлайди. Ҳужжатли фильм. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Спорт ахбороти.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.50 — Мен севган киши. Бадиий фильм. 11.20 — Оддий мўъжизалар. 11.50 — Немис тили. 12.20 — Шеър ўқиб. 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — Барабанчининг тақдири. Бадиий фильм. 3-серия. 14.15 Ота-оналар. Сизлар учун 14.45 — Бил ва уддала. 15.30 — Ешлар адреслари. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Волейбол. СССР — Япония. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Хайрли соатда. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 12.35 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 13.20 — Концерт. 13.50 — Сиҳат-саломатлик. 14.20 — Шиддат. Бадиий фильм. 18.30 — Қувноқ пионер ёзи. 19.00— Турмуш ва маданият. 19.30— Ахборот. 19.45 — Қўғирчоқ фильм. 20.00 — Амалдаги интернационализм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёз оқшоми. 21.00 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.25 — Ўжар Кура. Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — Москва-II.

18.00 — Математика. 19.00 — Қўёшли ўлка маршрутлари бўйлаб. 19.30 — Тунги смена. Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳамма танийдиган номаълум киши. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Москва-II.

Радио

19 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Дўстлик байроғи. 12.10 — Транспорт ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — РСДРП II съезднинг 80 йиллигига. 18.50 — Т. Қурбонов. «Духовой литавр ва камер оркестри ижроси учун тўртта пьеса». 19.20 — СССР халқларининг ёзги VIII спартакиадаси. 19.30 — Ешлик. 20.50 — В. Маяковский тугилган кунинг 90 йиллигига. 21.10 — Концерт. 22.30 — Ўзбек давлат филармониясининг артистлари ижро этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.